БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 84 (315)
29 АПРЕЛЬ ЖУМА 1955 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагида янада зичроқ бўлиб жипслашайлик, коммунистик жамият қуриш улуғ ишига кучларимизни ва ижодий ғайратимизни сафарбар қилайлик!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Мусобақа байроғини янада баланд кўтарайлик

Қаҳрамон совет халқи баҳор байрами — 1 Майни зўр меҳнат кўтаринкилиги блан, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати атрофига ҳарқачонгидан ҳам мустаҳкам жипслашган ҳолда кутиб олмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1 Май мусобабати блан чиқарган Чақириқлари халқимизнинг сиёсий активлигини ва меҳнат ғайратини янада ошириб юборди. Саноат корхоналарида, қурилишларда, темир йўл транспортида, колхоз, совхоз ва МТСларда кенг миқ'ёсда авж олиб кетган майолди социалистик мусобақаси меҳнаткашлар оммаси ўртасида жуда катта муваффақият қозонмоқда, уларни янги ғалабаларга руҳлантирмоқда, меҳнат унумини оширишнинг янги формаларини вужудга келтирмоқда.

Бундан 26 йил илгари, 1929 йил 29 апрельда ВКП(б)нинг XVI конференцияси социалистик мусобақани кенг ривожлантириб юбориш ҳақида Совет Иттифоқидаги барча ишчилар ва меҳнаткаш деҳқонларга қарата Мурожаат қабул қилган эди. Шундан буён ўтган вақт ичида социалистик мусобақа Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида мамлакатимизда чинакам умумхалқ ҳаракатига, тараққиётимизни ҳаракатга келтируччи, миллион-миллион меҳнаткашларни коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини бажаришга сафарбар этуччи қудратли кучга айланди.

Социалистик мусобақа ҳақидаги ленинча-сталинча идеялар оммани илҳомбахш ғайрат ва ташаббус блан қуроллантирмоқда, бутун совет халқини коммунизм тантанаси учун, она-Ватанимизнинг шон-шуҳратини янада ошириш учун ижодий меҳнатга илҳомлантирмоқда. Социалистик мусобақа совет тузумининг фойдаланилмаётган резервларини ишга солишга ёрдам берди, кишиларнинг меҳнатга қарашларини тубдан ўзгартирди, ўтмишда хўрлик ва оғир юк ҳисобланган меҳнатни шон-шараф, мардлик ва қаҳрамонлик ишига айлантирди. Совет кишиларининг кундалик ҳаётига сингиб кетган бу мусобақа эндиликда омма орасидан мингларча Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларини, довруғи дун'ёга кетган ажойиб новаторларни етиштириб чиқармоқда. Миллионларнинг ана шу улуғ мусобақасида совет кишиларининг талант ва қобилиятлари тобора кенг яшнамоқда, бутун куч-қувватларини социалистик Ватанимизнинг бахт-саодатига бағишлаётган совет ватанпарварларининг янгидан-янги ижодий ташаббуслари рўёбга чиқмоқда.

Социалистик мусобақанинг қудратли кучини областимиз саноат корхоналарида, колхоз ва совхоз далаларида қизиб кетган майолди мусобақасида ҳам яққол кўриш мумкин. Илғорлар ҳозирданоқ 1 Май шарафига олган социалистик мажбуриятларининг бажарилиши ҳақида рапорт бермоқдалар, мусобақа натижаларини якунлаб, бундан кейинги ишлари учун режалар тузмоқдалар.

И. В. Сталин номидаги Чирчиқ Электрохимия комбинатининг коллективи 1 Май шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, 4 ойлик ишлабчиқариш планини муддатидан илгари—25 апрельда бажарди. Комбинат ишчилари ва инженер-техник ходимлари ойнинг охиригача қишлоқ хўжалиги учун пландан ташқари яна бирнеча минг тонна минерал ўғит тайёрлаб бериш учун курашмоқдадалар. Республика маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлигига қарашли Тошкентдаги Чкалов номли завод коллективи ҳозир май ойининг иккинчи ярми ҳисобига маҳсулот топширмоқда. СССР Йўллар министрлигига қарашли машинасозлик заводи, Оҳангарон шахтёрлари ва Чирчиқ пойафзал фабрикасининг ишчилари ҳам 4 ойлик планни муддатидан илгари бажариб, май ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

— Ишчилар, инженер ва техниклар, мастерлар! Бешинчи бешйиллик планни муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақада янги муваффақиятларга эришингиз! Юксак меҳнат унумдорлиги учун умумхалқ ҳаракатини авж олдирингиз! Техникани янада тараққий қилдириш учун, фан муваффақиятларини, энг янги техникани ва илғорлар тажрибасини ишлабчиқаришда кенг жорий қилиш учун ҳормай-толмай курашингиз!

Колхозчи-деҳқонлар, МТС ва совхозларнинг ишчилари ҳамда хизматчилари социалистик мусобақада актив қатнашмоқдалар. Улар мусобақани қизитиб, чигит экишни тез ва сифатли тугаллаш, чигитни биртекис ундириб олиш ва гўза қатор оралариии ишлашни кучайтириб юбориш учун зўр ғайрат блан кураш олиб бормоқдалар.

Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вазифаси — социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариб, мусобақадошларнинг сафини тобора кенгайтириб боришдан, оммaнинг ғайрат ва ташаббусини ҳартарафлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Оммaнинг ташаббуси — мусобақада энг муҳим ишдир. Улар юксак меҳнат унуми учун, янги, илғор прогрессив методларни ишлабчиқаришда жорий қилиш учун курашда оммaнинг чинакам ташкилотчилари бўлишлари лозим. Мусобақага қунсайин амалий раҳбарлик қилиш, оммaнинг ташаббусини ҳартарафлама қувватлаш, новаторларнинг қимматли ташаббусини пропаганда қилиш ва уларнинг ташаббусини барча меҳнаткашлар орасига кенг ёйиш — партия ташкилотларининг шарафли бурчидир.

Иш натижаларини ҳисобга олиш, таққослаб кўриш, энг яхшиларга тенглашиш ва илғорлардан ўрганиш — социалистик мусобақанинг муҳим шартидир. Мусобақага, илғорларнинг тажрибаларини умумлаштиришга юзаки қараш каби ҳолларни тамомила йўқотиб, социалистик мусобақанинг ривожланишига халақит беручиларга қарши, оммaнинг ижодий ташаббусини бўғаётган бюрократларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш зарур. Мусобақага раҳбарлик қилишда канцеляриячилик, бюрократик усулларни қўлланаётган, илғорларнинг тажрибасини ўрганиш ва умумлаштиришдан иборат жонли ишни қоғоз ва бухгалтерия ҳисоботларига кўмиб қўяётган ходимларнинг фаолияти жуда қаттиқ қораланиши керак. Мусобақани ташкил этишда айрим жойларда ба'зан учраб турадиган ҳайбаракаллачилик ва шовқин-сурон кўтариш кайфиятларига мутлақо йўл қўйилмаслиги лозим.

Умумхалқ социалистик мусобақасини янада кучайтириш, оммaнинг ижодий активлигини ривожлантириш меҳнат унумини тобора оширишга, коммунистик жамият қурилиши сур'атларини тезлатишга ёрдам беради. Социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарайлик, мусобақанинг бутун кучини, кенг меҳнаткашлар оммасининг ижодий ғайрат ва ташаббусини бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажаришга қаратайлик!

Совет ҳукумат делегацияси Варшавадан Москвага қайтиб келди

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдамлашиш ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартноманинг 10 йиллиги байрамида қатнашмоқ учун КПСС МК биринчи секретари Н. С. Хрушчев бошчилигида Варшавага борган Совет ҳукумат делегацияси 26 апрельда Москвага қайтиб келди. Делегация составида Совет Иттифоқи маршали И. С. Конев, Украина КП МК секретари О. И. Ивашченко, белорус шоири Максим Танк ва Литва ССР Фанлар академияси президенти Ю. Ю. Матулис бор эди. (ТАСС).

Т Е Л Е Г Р А М М А

Австрия Республикасининг Президенти

Теодор Кернер жанобларига

ВЕНА

Президент жаноблари, Австрия гитлерчилар ҳукмронлигидан озод қилинганлигининг ва Австрия Республикаси тикланганлигининг ўнйиллиги муносабати блан СССР Олий Совети Президиумининг ва шахсан менинг табрикларимни, шунингдек мустақил, озод ва демократик Австрияни тиклаш ишида Австрия халқига энг яхши тилакларни қабул қилгайсиз.

К. ВОРОШИЛОВ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
1955 йил, 26 апрель.

Т Е Л Е Г Р А М М А

Австрия Республикасининг Федерал Канцлери

Юлиус Рааб жанобларига

ВЕНА

Австрия озодлигининг ва Австрия Республикаси тикланганлигининг 10 йиллиги кунида сиздан, Канцлер жаноблари ва Австрия Ҳукуматидан Совет Иттифоқи Ҳукуматининг ва шахсан менинг табрик ва энг яхши тилакларимизни қабул қилишингизни сўрайман.

Москвада муваффақиятли суратда тамом бўлган Австрия—Совет музокаралари демократик Австриянинг тўла мустақиллигини тезликда тиклашга ва Европада тинчлик ҳамда хавфсизлик саодати учун халқларимиз ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

Н. БУЛГАНИН

1955 йил, 26 апрель.

Т Е Л Е Г Р А М М А

Австрия Республикаси Ташқи Ишлар Министри

Леопольд Фигль жанобларига

ВЕНА

Министр жаноблари, Австрия озод қилинган ва Австрия Республикаси тикланган куннинг ўнйиллиги муносабати блан менинг самимий табрикларимни ва австрия халқининг Давлат Шартномасини дарҳол тузишдан иборат миллий орзуларини тезликда амалга оширишини истаб изҳор қилган тилакларимни қабул қилгайсиз. Давлат Шартномасининг тузилиши демократик ва тинчликсевар Австрия давлатининг озод ва мустақил ривожланишини та'минлайди.

В. МОЛОТОВ

1955 йил, 26 апрель.

Совет ҳукумат делегацияси Варшавадан жўнаб кетди

ВАРШАВА, 26 апрель. (ТАСС). Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. С. Хрушчев, Совет Иттифоқи маршали И. С. Конев, Украина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари О. И. Ивашченко, белорус шоири Максим Танк ва Литва ССР Фанлар академиясининг президенти Ю. Ю. Матулис составидаги Совет ҳукумат делегацияси бугун Варшавадан Москвага жўнаб кетди.

Варшавадаги марказий аэродромда Совет ҳукумат делегациясини Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Берут, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси А. Завадский, Министрлар Совети раиси Ю. Циранкевич, Польша маршали К. Рокоссовский, Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг а'золари З. Новак, Э. Охаб, Я. Берман, Ф. Мазур, Ф. Южвяк, Р. Замбровский, С. Радкевич, Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари Е. Моравский, Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Т. Гедэ, С. Андриховский, С. Лапот, П. Ярошевич, ташқи ишлар министри С. Скшешевский, Давлат кенгашининг секретари М. Рибицкий, Давлат кенгашининг а'золари ва бошқа расмий шахслар, шунингдек пойтахт матбуотининг вакиллари кузатиб қолдилар.

Делегацияни СССРнинг Польшадаги мувақкат ишлар вакили И. А. Мельник бошчилигида Варшавадаги совет элчихонасининг мас'ул ходимлари, бирқанча давлатларнинг Польша Халқ Республикасидаги элчихона ва миссиялари бошлиқлари ҳам кузатиб қолдилар.

Аэродром СССР ва Польша Халқ Республикасининг давлат байроқлари блан безатилган эди. Кузатиб қолиш вақтида фахрий қоровул қўйилди. Оркестр Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикасининг Давлат гимнларини ижро этди.

Аэродромда ўртоқ Б. Берут ва ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқ сўзладилар. Ўртоқ Б. Берут бундай деди:

Бизнинг қадрли дўстларимизни—дўстлик ва ўзаро ёрдамлашиш ҳақидаги Польша-Совет шартномасининг ўн йиллиги муносабати блан ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигида Польшага келган Совет ҳукумат делегациясини фақат Варшава ва Краковгина эмас, балки бутун мамлакатимиз самимий кутиб олди. Бу—миллион-миллион кишиларнинг қалбига чуқур жойлашган ўзаро самимий туйғуларимиз ва идеяларимизнинг буюк кучини жуда яхши намойиш қилиб берди.

— Қадрдон меҳмонларимиз икки юз миллионли совет кишиларининг дўстлик туйғуларини ,қадрдошларча қўлни қисиб изҳор қилинган оддий ва самимий дўстликни бизларга яққол ифода қилиб бердилар.

Халқ Польшасининг меҳнаткашлар оммаси, бизнинг халқимиз совет қадрдошларимизга худди ана шундай самимий, ана шундай қалб ҳисларини изҳор қилади. Бизларни гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган кураш даврида биргаликда бошимиздан кечирган қулфатларгина ва озод қилинган халқнинг ўз халоскорига бўлган қадрдошлик ҳисларигина бирлаштираётгани йўқ. Бизларни вайрон қилинган мамлакатни тиклаш ишида бу мамлакатни социалистик жамият қуриш мақсадида олдинга силжитиш ишида биргаликда сарф қилаётган қадрдошларча куч-ғайратгина бирлаштираётгани йўқ. Бизларни қадрдошларча ғамхўрликнинг ва мамлакатни индустриализациялашда кўрсатилаётган ёрдам каби, Ленин номидаги металлургия комбинати, Маданият ва фан саройи каби ёрдамнинг яққол намуналаригина бирлаштираётгани йўқ. Бизларни ўтмишимизгина эмас, балки келгусимиз ҳам чамбарчас бирлаштирмоқда. Бизларни биргаликда қилаётган ғамхўрликларимиз ва умид-орзуларимиз, хавфсизликни ва тинчликни мустаҳкамлашга биргаликда интилаётганлигимиз, Европада ва бутун дун'ёда агрессиянинг қора кучларини жиловлаб қўйишга биргаликда интилаётганлигимиз, миллион-миллион оддий кишиларнинг яхши ҳаёт кечиришлари тўғрисидаги жонкуярлигимиз ҳам бирлаштирмоқда.

Биз кузатиб қолиш пайтида сиз қадрдон дўстларимизни ишонтириб айтишни истаймизки, бутун лагеримизнинг, тинчлик ва социализм лагерининг бирлигини ва қудратини янада кучлироқ мустаҳкамлаш учун куч-қувватимизни аямаймиз. Биз барча совет кишиларига қадрдошлик саломларимизни ва муваффақиятлар тилаб билдирган самимий истакларимизни топширишингизни сўраймиз.

Поляк халқининг улуғ Совет Иттифоқи халқлари блан дўстлиги янада кучлироқ ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ўзининг жавоб нутқида бундай деди:

Қадрдон ўртоқлар, дўстлар! Польша Халқ Республикасида бўлган вақтимизда бизларни бениҳоя хурсандчилик, самимият ва меҳмондўстлик блан кутиб олганлигингиз учун Совет Иттифоқи ҳукумат делегацияси номидан сизларга чин қалбдан ташаккур изҳор қилишга рухсат этгайсиз.

Совет ва поляк халқлари мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдамлашиш ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган куннинг ўн йиллигини кенг нишонладилар... Шартнома тузилганига 10 йил тўлганлиги нишонланган шу кунлар поляк ва совет халқларининг самимий қадрдошлик дўстлигини яна ёрқин намойиш қилди. Биз чуқур ишонамизки, Совет Иттифоқи блан Польша халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик халқларимизнинг бахт-саодати учун кундан-кунга янада кўпроқ ривожланиб ва мустаҳкамланиб боради.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, социализм ва демократия лагеридаги ҳамма мамлакатларнинг дўстлиги, ҳамкорлиги ва жипслашганлиги давлатларимиз миллий мустақиллиги ва хавфсизлигининг ишончли гарантиясидир. халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш ишида муҳим шартдир.

Биз сизларнинг меҳмондўст мамлакатингиздан жўнаб кетаётган пайтда халқ Польшасининг ишчилари, деҳқонлари ва интеллигенцияси Польша бирлашган ишчи партияси раҳбарлигида ўзларининг фидокорона меҳнатлари блан хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида катта муваффақиятларга эришганликлари муносабати блан бўлган қувончимизни яна бир марта изҳор қилишни истаймиз.

Поляк халқига социализм қуриш йўлида чин қалбимиздан янги муваффақиятлар, янги ғалабалар тилаймиз.

Яшасин қардош поляк халқи!

Яшасин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси халқларининг бузилмас дўстлиги!

Партия ва ҳукумат чақириғига жавобан колхозларга бориб ишлаш учун

Областимиздаги саноат корхоналари, министрлик ва бошқармаларда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг колхозларни раҳбар кадрлар блан мустаҳкамлаш тўғрисидаги чақириғини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Чирчиқ шаҳар партия комитетига қишлоқда доимий ишлашни сўраб ариза бераётганларнинг кўпчилигини комбинат, завод ва фабрикаларнинг меҳнатсевар ишчилари, инженер-техник ходимлари ташкил этади. Улар ичида пойафзал фабрикаси кадрлар бўлимининг бошлиғи Пўлатов, Сталин номли электрохимия комбинатининг старший мастери Кацуба, техник Лавровская, электр-та'минот цехи ходимлари Макаров, Биков ўртоқлар сингари чиниққан коммунист ва партиясиз кадрлар бор. Электрохимия комбинат ҳузуридаги интернатнинг директори коммунист А. И. Тихомолов ўз аризасида шундай деб ёзади:

«Мен аввал қишлоқда тракторчи, участка механиги, МТС директорининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган эдим. Мени қишлоқда доимий ишлаш учун юборишингизни сўрайман. Қайси участкага юборилсам ҳам, ўша ерда садоқат блан ишлашга ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш учун бутун кучимни сарфлашга сўз бераман».

* * *

«Ташселъмаш» заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари ҳам партия ва ҳукумат белгилаган бу тадбирни амалга оширишга ҳисса қўшишни ўзларининг ватанпарварлик бурчлари деб ҳисобламоқдалар. Завод партия комитети номига завод бошқармасидан, турли цехлардан ҳар куни бирнеча аризалар тушмоқда. Техника назорат бўлимининг ходими коммунист Д. Тараданов ўз аризасида шундай дейди:

«Биз ҳаммамиз колхозларнинг аҳоли учун озиқ-овқатни, саноат учун хомаш'ёни кўплаб етиштиришдан манфаатдормиз. Шунинг учун қўлимиздан келганича колхозларга ёрдам бериш бизнинг шарафли бурчимиздир. Деҳқончиликда тажрибага эга бўлганлигим учун, мени колхозда ишлашга юборишингизни сўрайман».

Пахта териш машиналари йиғучи цех бошлиғининг ўринбосари В. Бибик, механика цехи ишчиси И. Шенбель, асбобускуна цехининг токари А. Юрицин ва бошқа ўртоқлар ҳам партия чақириғига жавобан колхозга юборишларини сўраб ариза бердилар.

Имтиҳонларга ҳартомонлама пухта тайёрланайлик

Ҳозир мактабларимиз ўқув йилининг ҳал қилучи ва мас'улиятли даврига кирдилар. Шу кунларда кўпгина халқ маорифи органлари ва мактаб коллективлари бутун ўқув йили давомида олиб борилган та'лим-тарбия ишларини яхши кўрсаткичлар блан якунлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар, асосий э'тиборни ўқучиларнинг билимини янада мустаҳкамлашга қаратмоқдалар.

Мактабларимиз ёшларни ўқитиш ва уларни коммунистик ахлоқнинг барча юксак сифатларига эга қилиб тарбиялашда катта муваффақиятларга эришмоқдалар, фан асосларини чуқур ва мустаҳкам ўрганаётган ўқучиларимизнинг аҳл, уюшқоқ коллективини вужудга келтирмоқдалар. Та'лим-тарбия ишларини намунали уюштирабилган илғор мактабларнинг коллективлари политехника та'лимини ўқув процессига муваффақиятли жорий қилиб ва физика, химия, биология кабинетларида муттасил тажрибалар ўтказиб, ўқучиларнинг назарий билимларини практик машғулотлар блан мустаҳкамлаётирлар.

Ўртасарой районидаги 22-нчи ўрта мактабнинг математика ўқитучиси В. Пак ва Тошкент районидаги 21-нчи мактабнинг химия ўқитучиси А. Қосимов ўртоқлар дарсларнинг юксак ғоявий-назарий савияда ўтишини та'минлайдилар, ўқув процессини методик жиҳатдан тўғри ташкил этабиладилар. Улар ҳарбир янги темани аниқ ва изчил баён қилиб, аввал ўтилган темаларга боғлайдилар. Шунинг учун ҳам программа материалларининг ўқучилар томонидан тўла ўзлаштиридишига эришмоқдалар. Областимиздаги мактабларда ўз касбини жондилдан севган, дарсларни ғоявий-назарий ва практик жиҳатдан юқори савияда ўтказаётган бундай ўқитучилар оз эмас.

Лекин, айни вақтда шундай ўқитучилар ҳам борки, улар ўз ишларининг натижалари учун юксак жавобгарликни ҳис этмаётирлар ва ўзлари дарс бераётган фанлардан ўқучиларнинг тўла ўзлаштиришларини та'минламаётирлар.

Бу ўринда Қуйичирчиқ районидаги 48-нчи мактабнинг рус тили ўқитучиси В. Макагон, Янгийўл районидаги 14-нчи ўрта мактабнинг 3-нчи синф ўқитучиси Толипов ўртоқларнинг дарс беришда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйиб келаётганликларини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Улар ҳатто совет педагогикасининг элементарь талабларини ҳам бажармаётирлар. Ўқитучи В. Макагон дарс бераётган V—VII синф ўқучилари рус тилидан жуда бўш ўзлаштирмоқдалар, улар грамматик қоидаларни яхши билмайдилар, ёзма ишларда эса кўпгина имловий хатоларга йўл қўядилар. Бу ўқитучи ўқув йили давомида ўқучиларнинг ёзма ишларини бирор марта ҳам текшириб кўрмаган. У дарс бераётган VII синфдаги 17 ўқучининг ҳаммаси III чорак охирида ўтказилган диктантдан «2» баҳо олганлар. Янгийўл районидаги 14-нчи мактаб ўқитучиси Толипов эса ўз устида мутлақо ишламайди. Шунинг учун ҳам у дарсларни жуда паст савияда ўтказмоқда, ўзлаштиришни юқори қилиб кўрсатиш мақсадида синф ўқучиларининг билимига баҳо қўйишда кўзбўямачилик блан шуғулланмоқда. Толипов ўқучилардан олинган 88 сўзлик диктантни текшириб чиққанида унинг ўзи 38 хатога йўл қўйган. У дарс бераётган III синф ўқув йилининг III чораги якунида 49 процент ўзлаштириш берган. Кўриниб турибдики, бу мактаб раҳбарлари ўз ўқитучиларининг дарс бериши устидан мутлақо назорат ўрнатмаганлар.

Ўқув йилини якунлаш учун қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилаётган ҳозирги кунларда мактаб коллективларининг асосий вазифаси — программа материалларини тўла-тўкис ўтиб тамомлаш ва йил бошидан буён ўтилган материалларни изчиллик блан такрорлаш, шунингдек ўқучиларни бўлажак имтиҳонларга пухта тайёрлашдан иборат. Чунки, ўтилган программа материалларини такрорлаш ўқучиларнинг бутун йил давомида олган билимларини мустаҳкамлайди ва имтиҳонларнинг муваффақиятли ўтишини та'минлайди. Физика, химия, математика ва биология фанлари бўйича қайтариш ўтказилганда ўқучиларнинг назарий билимлари ўқув-тажриба кабинетларида практик машғулотлар блан янада мустаҳкамланиши лозим. Ўқув йилининг якуни ва имтиҳонларгача қолган давр ичида ҳарбир ўқучининг билимидаги заиф томонларини чуқур ўрганиш, айрим фанлардан ўзлаштирмовчи ўқучилар блан дарсдан кейинги соатларда ёрдамчи машғулотлар ўтказиш, улар блан якка тартибда шуғулланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Имтиҳонларга тайёргарлик кўриш даврида ўқучилар ўртасида тушунтириш ва тарбиявий ишларни кенг кўламда олиб бориш, уларга имтиҳонларнинг мақсад ва вазифалари ҳақида аниқ тушунча бериш, имтиҳон инструкцияси блан мукаммал таништириш мактаб коллективларининг диққат марказида туриши лозим. Шу блан бир қаторда имтиҳонларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида мактаб блан оила ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ота-оналар ўртасида педагогика пропагандасини ҳартомонлама кучайтиришни унутмаслик керак.

Бўлажак имтиҳонлар мактаб ўқитучилари, раҳбарлари ва халқ маорифи органларининг бутун ўқув йили давомида олиб борган ишларига катта синовдир. Шунинг учун ҳам улардан имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўриш, ўқув йилини яхши кўрсаткичлар блан якунлаш талаб этилади. Имтиҳонларга тайёргарлик кўрилаётган кунларда ўқучилар катта куч талаб қиладиган ортиқча ишлар блан банд қилиб қўйилмаслиги керак.

Халқ маорифи органларининг ходимлари мактабларда тез-тез бўлиб туришлари, ўқув-тарбия ишларининг қўйилиши ва имтиҳонларга тайёргарликнинг бориши устидан контрольликни кучайтиришлари, бу соҳада йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида узил-кесил бартараф қилишлари лозим. Улар КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларига жавобан янада зўр ғайрат ва ташаббус блан ишлашлари керак.

— Халқ маорифи ходимлари! Мактабдаги ўқитиш ва тарбия сифатини оширингиз! Болаларни Совет Ватанига муҳаббат ва садоқат, халқлар ўртасида дўстлик руҳида тарбиялангиз! Социалистик жамиятнинг маданиятли, ўқимишли, меҳнатсевар гражданларини, коммунизмнинг актив қуручиларини тайёрлангиз!

Ёшларимизни ўқитиш ва тарбиялаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш маҳаллий партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг ҳамда бутун совет жамоатчилигининг жонажон ишидир. Улар имтиҳонларга тайёргарлик даврида халқ маорифи органлари ва мактаб коллективларига яқиндан ёрдам беришлари ҳамда бу соҳада уларнинг жавобгарлигини оширишлари керак.

Имтиҳонларга зўр уюшқоқлик блан тайёрланайлик ва ўқув йилини яхши кўрсаткичлар блан якунлашга эришайлик!

Биринчи Май байрами олдидан

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари 1 Майни кутиб олишга ҳозирланмоқдалар. Агитаторлар корхоналарда, муассасаларда ва ўқув юртларида меҳнаткашларнинг халқаро байрамига бағишлаб суҳбатлар ўтказмоқдалар. Ҳамма жойда тантанали йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Бу йиғилишларда Майолди социалистик мусобақаси якунланмоқда.

27 апрельда Ҳамза номли Ўзбек Академик драм тсатри биносида республика пойтахтининг Октябрь район меҳнаткашлари коллективи, партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакилларининг тантанали мажлиси бўлиб ўтди. Меҳнаткашларнинг халқаро байрами — 1 Май тўғрисида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Нуриддинов доклад қилди.

1 Майга бағишланган тантанали мажлис Тошкент шаҳрининг Марказий ва Сталин районларида ҳам бўлиб ўтди. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Кадрларни ғоявий-назарий жиҳатдан тарбиялаш—муҳим вазифа

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги қароридан илҳомланган Қуйичирчиқ районининг колхозчилари 1955 йил хўжалик планларини муваффақиятли бажариш учун зўр ғайрат блан курашмоқдалар.

Бу районда кейинги 6 ой ичида ялпи сут маҳсулоти ўтган олти ойга нисбатан 70 процент ошди. Ба'зи колхозларда ҳарбир сигирдан соғиладиган сут икки ва икки ярим баравар кўпайди. Районда шу йилнинг ўзидаёқ чорвачилик маҳсулотини 1954 йилдагига нисбатан 1,5—2 баравар оширишга имконият бор. Колхозларнинг чорвачиликни ривожлантириш беш йиллик планларига мувофиқ 1960 йилда 1954 йилдагига нисбатан гўшт маҳсулотлари 2,3 марта, сут 6,8 марта, жун 3,6 марта, тухум 4,2 марта ортдирилиши, шунингдек ем-хашак ва айниқса маккажўхори етиштириш бирнеча марта кўпайтирилиши лозим.

Районимизнинг колхозчилари бу йил ўтган йилдагидан 15 минг тонна ортиқ каноп ва жут пояси тоширишди, ҳар гектардан 40 центнердан каноппоя, 30 центнердан жут, 2,5 центнердан каноп уруғи етиштириш юзасидан социалистик мажбурият олдилар. Илғор колхозчиларнинг тажрибаси 1960 йилгача районда луб экинлари ҳосилини 1,5 баравар кўпайтиришга имконият борлигини кўрсатади.

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми томонидан қўйилган тарихий вазифаларни муваффақиятли бажариш учун партия, совет ва хўжалик ходимлари иқтисодий тараққиёт қонунларини билишлари, қишлоқ хўжалиги экономикаси блан таниш бўлишлари керак. Кадрлар марксизм-ленинизм назариясини чуқур ўрганишлари лозим.

Қуйичирчиқ район партия комитеги кадрларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ҳамда партия ва совет раҳбар ходимлари иш услубини такомиллаштириш, раҳбарлик методини яхшилаш мақсадида партия, совет ва хўжалик раҳбар ходимлари семинарини ўтказиб туриш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ана шу қарорга мувофиқ райкомнинг агитация ва пропаганда бўлими семинарнинг планини тузди. МТСлар зонаси бўйича ўтказилган дастлабки семинарда колхоз раислари, партия ташкилоти секретарьлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия, совет ва хўжалик ходимлари қатнашдилар. Бу семинарда: «КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарори чорвачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришнинг жанговар программаси», «Луб экинларини экиш ва парвариш қилишда янги, прогрессив усулларнинг афзаллиги», «Қуйичирчиқ районида чорва маҳсулдорлигини ошириш йўллари» каби темалар ишлаб чиқилди. Семинарларда райкомнинг МТС зонаси бўйича секретарьлари В. И. Пак, И.-А. Ли, Нурумбетов ўртоқлар, шунингдек агроном ва зоотехниклар доклад қилдилар.

Бундан кейин семинарни уч группага бўлиб ўтказиш мақсалга мувофиқ эканлигини аниқладик. Биринчи группага партия ходимлари (райком ходимлари ва бошланғич партия ташкилоти секретарьлари), иккинчи группага совет ходимлари (район ижроия комитети ходимлари, қишлоқ ва посёлка советларининг раислари ва секретарьлари), учинчи группага колхоз раислари, совхоз ва МТС раҳбар ходимлари жалб этилди. Бу семинарларга 100 дан ортиқ район активлари қатнашмоқда.

Партия, совет ва хўжалик ходимларини алоҳида группаларга ажратиш блан ҳарқайси группада семинар қатнашчиларини бевосита қизиқтирадиган темаларни ишлаб чиқишга имконият туғилди. Масалан, биз яқинда совет ходимлари семинарини ўтказдик. Бунда райком секретари ўртоқ Г. Игнатов «Совет социалистик давлати—коммунизм қурилишининг қудратли қуроли» деган темада, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ М. Мерганов «Совет давлати аппарати ходими — халқ хизматкори» деган темада доклад қилдилар.

Докладчилар темани ишлаганда тема бўйича назарий масалаларни, партия ва ҳукумат сиёсатини баён қилиб бериш блан бирга, маҳаллий ҳаётдан жонли мисоллар келтириб, семинар қатнашчилари олдига конкрет вазифалар қўйдилар.

Биз семинар қатнашчиларининг ўзлари ташаббус кўрсатиб сўзга чиқишларига ҳали эришаолганимиз йўқ. Яқин кунларда семинарда «Совет давлат аппарати ишининг ленинча принциплари», «Меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига э'тибор бериш — ҳарбир совет хизматчисининг муҳим бурчидир» деган темалар ишланади.

Партия ходимлари блан ҳам уларни қизиқтирган масалалар ишлаб чиқилади. Яқинда бу семинарда «Коллектив раҳбарлик — партия раҳбарлигининг олий принципи», «Халқ хўжалигини планли (пропорциональ) ривожлантириш қонуни ва колхоз ишлабчиқаришини планлаштириш» темалари ишланади.

Кадрларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда уларга экономика масалаларини ўргатиш муҳим ишдир. Қишлоқ хўжалигики планлаштиришнинг янги тартиби кадрларга маҳаллий шароитни, колхоз, совхоз экономикасини чуқур ўргатишни талаб этади. Шунингдек партия чақириғи блан шаҳарлар ва саноат корхоналаридан қишлоқда ишлаш учун истак билдирган ўртоқларга қишлоқ хўжалигининг экономиасини ўргатиш айниқса муҳимдир.

Биз семинарларнинг асосий вазифаси қилиб, КПСС Марказий Комитети январь Пленуми материалларини чуқур ўграниш, МТС, совхоз, колхоз экономикасини пухта ўрганишни белгиладик. Дастлабки семинарларнинг иши шуни кўрсатики, партия ва совет ҳамда хўжалик ходимларида марксизм-ленинизм назариясини ва экономика масалаларини ўрганишга ҳавас ортган. Район партия комитети семинар қатнашчилари учун назарий темаларда лекция ва докладлар ташкил этишдан ташқари, бу семинарларда тажрибали пахтакорлар ва илғор механизаторларнинг сўзга чиқишини ҳам уюштиради. МТС, совхоз директорлари ва колхоз раислари ўз хўжаликларининг иши ҳақида гапириб берадилар.

Район партия комитети кадрларни назарий жиҳатдан тарбиялаш блан бирга, меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

Биз район олдидаги хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажаришга оммани тўла сафарбар этиш мақсадида пропаганда ва агитация ишларини кун сайин кучайтирмоқдамиз.

А. ХАН,
Ўзбекистон КП Қуйичирчиқ район комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

Деворий газеталар конкурси

Тошкент юридик институтининг партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари деворий газеталар ишини яхшилашга алоҳида э'тибор бермоқда.

Институтда махсус комиссия тузилиб, матбуот куни — 5 майга бағишлаб деворий газеталар конкурси э'лон қилинди. Конкурсда институт, курс ва группа деворий газеталари иштирок этади.

Конкурс комиссияси институт ва студентлар ҳаётини тўла ва атрофлича ёритучи сиёсий жиҳатдан ўткир, чуқур мазмунли мақола, ҳикоя, ше'р ва карикатуралар блан чиқарилган энг яхши деворий газеталар учун уч мукофот белгилади.

Қ. ДАДАХЎЖАЕВ

Мактабларни 1955—56 ўқув йилига муддатидан илгари намунали тайёрлаш юзасидан Бекобод шаҳар партия, совет ва жамоат ташкилотларининг

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

Бекобод шаҳар партия, совет ва жамоат ташкилотлари мактабларни 1954—55 ўқув йилига намунали тайёрлаш юзасидан ўз зиммаларига конкрет социалистик мажбурият олган ва Оҳангарон шаҳрини мусобақага чақирган эдилар. Бекободлилар ўз социалистик мажбуриятларини шараф блан бажариб, мактабларни 1954—55 ўқув йилига муддатидан илгари тайёрладилар. Мусобақадош Оҳангарон шаҳар жамоатчилиги ҳам ўтган ўқув йилини катта тайёргарлик блан кутиб олган эди.

Қуйида бекободлиларнинг мактабларни 1955—56 ўқув йилига ўз вақтида намунали тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбурият тексти э'лон қилинади.

Умумий та'лим мактабларини ва мактабгача тарбия муассасаларини янги 1955—56 ўқув йилига ўз вақтида тайёрлаш тадбирларини муҳокама қилиб ва партия XIX с'езининг еттийиллик та'лимдан умумий ўрта та'лимга ўтиш ва ўқув процессига политехника та'лимини жорий қилиш ҳақидаги директиваларини амалга ошириш мақсадида Бекобод шаҳар, партия, совет ва жамоат ташкилотлари ўз зиммаларига қуйидаги конкрет мажбуриятларни олдилар ва бу йил ҳам Оҳангарон шаҳрини социалистик мусобақага чақирадилар.

1. Ўқиш ёшидаги барча болаларнинг янги ўқув йили машғулотлари бошланган биринчи кунданоқ 100 процент мактабга келишлари та'минланади.

2. IV синфларни тамомлаган барча ўқучилар ташкилий тарзда V синфларга ўтказилади, шунингдек VII синфларни тамомлаган ўқучилар ўрта мактабларнинг VIII синфларида ва махсус ўрта ўқув юртларида ўқишга тўла жалб қилинади.

3. Ишчи ёшлар мактабларига 730 йигит-қиз, шу жумладан Ўзбекистон металлургия заводи ва УНР—704 қурилиш ташкилоти бўйича камида 400 киши, цемент, асботруба ва пахта тозалаш заводлари бўйича 230 киши, Фарҳод ГЭС ва давлат муассасалари бўйича 100 киши жалб этилади.

4. 1955 йил 15 августгача шаҳардаги ҳамма мактаблар малакали педагог кадрлар блан тўла та'минланади ва улар учун барча зарур шароитлар яратиб берилади.

5. Педагогика билим юртлари ва институтларида сиртдан ўқучи ўқитучиларнинг ёзги сессияларга ўз вақтида ва тўла равишда қатнашишлари та'минланади.

6. 10 июльгача ҳамма мактаб бинолари, инвентарьлари капитал ва жорий ремонтдан чиқарилади.

7. Мактаб бинолари, инвентарьлари ва лаборатория асбобларини ремонт қилишда шаҳардаги саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари мактабларга актив оталик ёрдами кўрсатадилар.

8. Оталик қилучи корхоналар ва ташкилотлар кучи блан мактаблар ҳузуридаги ўқув мастерскойлари политехника та'лими талабларига мувофиқ жиҳозланади. Мактаб ўқучилари учун саноат корхоналарида системали равишда практик машғулотлар ўтказилади.

9. Мактабларга қишлик ёқилғи запасларининг 80 процента 1 сентябрьгача ташиб келтирилади.

10. 15 августгача марказлаштирилган та'минот йўли блан мактабларга кўрсатмали ўқув қуроллари етказиб берилади. 20 августгача мактаб кутубхоналари учун бюджетда белгиланган маблағ миқдорида китоб сотиб олинади ва жойларга ўз вақтида етказиб берилади. 1 августгача барча ўқув қуроллари тўлиқ равишда ремонт қилинади.

11. 1 августгача ҳамма ўқучилар учун дарсликлар, дафтар ва ёзув асбоблари етказиб берилади.

12. 20 августгача ҳарбир мактаб ҳузурида буфетлар ташкил этилади.

13. Шаҳарлаги барча мактабларда ўқучиларга медицина хизмати кўрсатиш яхшиланади ва болалар доимий равишда медицина кўригидан ўтказиб турилади.

14. Мактаб ўқучиларининг ёзги каникули даврида пионер лагерьлари ва соғламлаштириш майдончаларида болаларнинг ёзги дам олиши намунали уюштирилади ва соғламлаштириш тадбирлари амалга оширилади.

15. 10 июльгача мактаблар ҳузуридаги мавжуд спорт майдончалари ўқув программаси талабларига мувофиқ қайтадан ташкил этилади ва ремонт қилиниб, тартибга солинади.

Бу социалистик мажбурият меҳнаткашлар депутатлари Бекобод шаҳар советининг 1955 йил 8 апрельда бўлиб ўтган тўртинчи чақириқ II сессиясида якдиллик блан қабул қилинган ва мажбуриятта шаҳар партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари қўл қўйган.



Чиноз районидаги Ленин номли колхозда янги клуб қурилиб ишга туширилди. Клубнинг тамоша залига 600 киши сиғади. **Суратда:** колхоз клубининг ташқи кўриниши.

Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Белгиланган миқдорда ғўза туплари бўлишига эришамиз

Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхоз раиси, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Н. МАННОНОВ блан суҳбат

Апрельнинг дастлабки кунларида обҳавонинг қулай келиши далачилик ишларини тез сур'ат блан муваффақияли ўтказиш имкониятини яратиб берди. Колхозимиз а'золари ва механизаторлар ана шу имкониятдан тўла ва унумли фойдаланиш учун барча резервларни ишга солиб, ғайрат блан ишладилар. Чигит экиш графиги ҳар куни ошириб бажарилди.

Колхозимизда чигит экиш тамом бўлгач, орадан бир кун ўтиши блан ёғингарчилик бошланди, бу бизни қувонтирди, лекин ёмғирдан кейинги ҳавонинг совиши барча пахтакорларни ташвишлантирди.

Дарҳақиқат, табиий намланган ерларнинг совиши чигитнинг униб чиқиши учун ноқулай бир ҳол эди. Барвақт экилган чигит, биринчидан, совуқ туфайли унаолмаса, иккинчидан, эҳди унабошлаган ғўзани икки кун давомида тушган қиров уриб кетди. Бу, 18, 19 апрель кунлари бўлган эди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти тажрибали колхозчилар ҳамда мутахассислар иштирокида комиссия тузиб, далаларни бирма-бир текшириб чиқди. Ана шу текширишдан айрим пайкаллардаги чигитларнинг чириб бошлагани ва ба'зибир далаларда ғўза илдизлари совуқдан зararланганлиги аниқланди. Шунда комиссия а'золари ўртасида икки хил фикр бўлди: айрим кишилар чигитни қайта экмаймиз, хато чиққан жойларга кўчат ўтқазиш йўли блан туп қалинлигини нормал қилиб оламиз, дедилар. Ба'зибирлари эса чигити ва ғўзаси совуқдан зararланган ерларга дарҳол қайтадан чигит экишга киришамиз, дедилар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ана шу, кейинги маслаҳатни лозим кўриб, 20 апрель куни қайтадан чигит экишга киришди. Колхозчилар ҳам, механизаторлар ҳам дастлабки соатлардаёқ сур'атни ошириб, ер тайёрлаш ва чигит экишни кескин равишда кучайтириб юбордилар.

Бизда ҳар йилги одатга кўра чигит экилган пайкалларга кетма-кет ўқариқлар олинар эди. Бу йил ҳам чигит экиб бўлишимиз блан ҳамма ерларимиз чекасига ўқариқлар олган эдик ва бу ўқариқларга қўл блан чигит экиб чиқилган эди. Шунинг учун ерларни қайтадан бороналаш ва молалаш зарурати туғилди. Биз бу ишларни кечасига кўчирдик. Механизаторлар тракторга олдин борона, кейин мола тиркаб, кечаси ишладилар. Чигит экиладиган ер эрталабгача тахт қилиб турилди. Универсалчилардан М. Қодиров, Т. Мамаюсупов ўртоқлар шундай унумли ишладиларки, агар улар апрельнинг биринчи кунларида зўр-базўр 10—12 гектар ерга чигит эккан бўлсалар, қайта экиш даврида улар кунига 18—20 гектар ерга чигит экдилар. Пахтакорлар блан механизаторларнинг мустаҳкам ҳамкорлиқда ишлашлари натижасида колхоз 450 гектар ерга 6 кун ичида қайтадан чигит экиб олди.

Қайта чигит экишни бирярим кунда—20, 21 апрель кунлари тугаллаган Қаюм Муталов бошлиқ бригаданинг ерларида ҳозир чигит биртекис униб чиқмоқда. Бу аҳвол бригада а'золарини жуда қувонтириб юборди. Ҳозир колхозчилар пайкалларни, қаторларни бирма-бир текшириб чиқмоқдалар, чигитнинг нормал унини учун қулай шароит ҳозирламоқдалар.

Қайта чигит экишни муваффақиятли ўтказган Латиф Юсупов, Ўғилой Бекмирзаева ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари ҳам ҳозирги кунларда барча ерлардаги чигитни бехато ундириб олиш учун курашаётирлар.

Биз колхоз активлари блан маслаҳатлашиб, шундай қарорга келдик: чигит экиш бу йил умуман кечикди, лекин сифатли ишланган ерларга чигит экдик. Ҳосилнинг ҳам кечикишининг олдини олиш учун бир шарт бор: чигитни тезроқ ундириб олиш ва ғўзанинг дастлабки парваришини барвақт бошлаб, бу ишни муваффақиятли ўтказиш керак. Агар чигитни қисқа муддатда, ҳамма майдонда тўла-тўкис ундириб олсак, ёш ғўзанинг парваришини сифатли ўтказсак, экиш давридаги кечикиш ўз-ўзидан билинмай кетади.

Биз ана шу мақсада қуйидаги тадбирларни амалга оширмоқдамиз: колхозлари барча пахта майдонининг атрофи, ўртасида ўқариқлар олиб чиқилди, ҳозир колхозчилар ўқариқларнинг чекасига чигит экишни тугалламоқдалар. Бундан ташқари, биз кўчат қилиб ўтқазиш учун ғўза тайёрламоқдамиз.

Пайкаллар чекасига ўқариқ олиниши яна шунинг учун зарурки, агар ёғингарчилик бўлмай, тупроқ қуриб қолса, қаторларга чигит суви тараш муваффақиятли ўтказилади. Колхозимиз а'золари чигитни чигит суви бериб ундириб олиш бирмунча зарар эканлигини биладилар, лекин зарур бўлганда чигит суви берилмаса, унинг униши узоққа чўзилиб кетади. Илғор пахтакорлар, агрономия фани чигит суви беришни маслаҳат бермайдилар. Агар ердаги нам етарлик бўлганда ғўза қанча қантариб суғорилса унинг ўқилдизи шунча чуқурга кетади, ўзига керакли намни топиб олиш имкониятига эга бўлади.

Бошқарти, чигит суви бериш керак бўлиб қолса, биз уни қатор оралатиб қўямиз, сув миқдори 600—700 кубометр бўлади.

Бу йилги қишнинг бирмунча илиқ келиши ернинг тупроқ қабатида ётган қартурли ҳашаротларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлди. Кун исийбошлаши блан улар далалар уватидаги ўтлар тагига яшириниб олиб, яшайбошлайдилар. Биз ана шу зararли ҳашаротларни йўқотиш тадбирларини ҳозирги кунларданоқ кўрабошладик. Ҳарбир бригадада 5—10 киши уватлардаги ўтларни қириб ташламоқдалар ва зарур бўлган тақдирда ерларга заҳарли дорилар сепмоқдалар. Қишлоқ хўжалик зararкунандаларига қарши профилактик ишларнинг ўз вақтида бажарилиши барча майдонларда ғўзаларнинг соғлом ривожланишида катта аҳамиятга эгадир.

Колхозимиз пахтакорлари бу йил пахта ҳосилини ўтган йилдагига нисбатан гектарига 3 центнерданга оширишга қарор қилганлар. Бу мажбуриятни бажариш бизнинг қўлимиздан келади. Колхозчиларнинг ўз ишларига жонкуярлик блан қарашлари, ҳарбир топшириқнинг айтилган вақтда тўла бажарилишига эришиш учун курашишлари бунинг далилидир. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти колхозчиларнинг унумли ишлашлари учун барча шароитни яратиб берган. Ҳамма бригадаларимизда яхши жиҳозланган ва маданий дам олиш жойига айлантирилган дала шийпонлари бор. Бу ерда колхозчилар овқатланадилар, ишдан кейин ҳордиқ чиқарадилар. Улар ўртасида агитаторларимиз доимо тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар, колхозчиларни, механизаторларни мўл ҳосил етиштиришда фидокорона меҳнат қилишга илҳомлантирмоқдалар.

Биз чигитни бирмунча кечикиб эккан бўлсак ҳам, уни ундириб олишда кечикишга ҳеч йўл қўймаймиз ва ғўза парваришини муваффақиятли ўтказиб, ҳамма еримизда мўл ҳосил етиштиришга, пахта тайёрлаш планини ошириб бажаришга ҳаракат қиламиз.

Тўрт давлатнинг Австрия иштироки блан кенгашини чақириш тўғрисида

Совет Ҳукумати 19 апрельда АҚШ, Франция ва Англия ҳукуматларига нота юборганлиги тўғрисида хабар берилган эди. Бу ноталарда мустақил демократик Австрияни тиклаш ҳақидаги Давлат Шартномасини тузиш масаласини қараб чиқиш ва бу Шартномани имзолаш учун яқин вақт ичида Австрия вакилларининг иштироки блан АҚШ, Франция, Англия ва Совет Иттифоқи Ташқи Ишлар Министрларининг Кенгашини чақириш таклиф этилган эди.

22 апрельда АҚШ ҳукуматидан жавоб нотаси олинди. Ана шу жавоб нотасининг тексти қуйида бссилади:

«Қўшма Штатлар Ҳукумати Совет Ҳукуматининг 19 апрельдаги нотасини Англия ва Франция Ҳукуматлари блан маслаҳатлашиб, қараб чиқди. Мазкур нотада мустақил ва демократик Австрияни тиклаш тўғрисидаги Давлат Шартномасини тузиш масаласини қараб чиқиш ва бу Шартномани имзолаш учун Австрия вакилларининг иштироки блан Қўшма Штатлар, Бирлашган Королькик, Франция ва Совет Иттифоқи Ташқи ишлар министрларининг кенгашини чақириш таклиф этилади.

Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати Совет Ҳукуматининг Австрия блан Давлат Шартномаси тузиш учун ҳозирги вақтда имконият борлиги тўғрисидаги фикрини ма'қуллайди. Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати Шартномани имзолаш учун Австрия вакилларининг иштироки блан тўрт давлат Ташқи ишлар министрларининг мумкин қадар яқин вақт ичида бўладиган учрашувида иштиёқ блан қатнашади.

Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати Москвада Австрия Министрлари блан Совет Министрлари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар тўғрисида олган ахборотдан, ҳали ба'зи тайёргарлик ишларини кўриш зарурлиги кўриниб турипти. Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати 5 апрельда чиқарилган учтомонлама декларацияни эслатиб ўтиб, тўрт давлатнинг Венадаги Элчилари Москва музокараларининг натижаларини ўрганиб чиқиш учун ва Ташқи ишлар министрларининг Давлат Шартномасини тезликда имзолашлари мақсадида зарур битимга келиш учун Австрия вакиллари иштироки блан жуда яқин вақт ичида учрашсинлар, деб таклиф этади. Шу сабабдан, Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати Элчилар 2 майда Венада Австрия вакиллари блан биргаликда учрашсинлар, деб таклиф этади.

Зарур тайёргарлик тамомланиши блан, Ташқи ишлар министрларининг учрашуви ва Шартномани имзолаш учун амалий жиҳатдан мумкин бўлган энг яқин муддатни тайинлаш лозим».

Худди шу мазмундаги ноталар Буюк Британия Ҳукуматидан ва Франция Ҳукуматидан ҳам олинди.

26 апрельда Совет Ҳукумати АҚШ Ҳукуматига қуйидаги мазмундаги нотани юборди:

«СССР Ҳукумати Америка Қўшма Штатлари Ҳукуматининг 22 апрельдаги нотасини олганлигини та'кидлайди. Бу нота Совет Ҳукуматининг шу йил 19 апрельдаги нотасига жавобдир.

СССР Ҳукумати Австрия блан Давлат Шартномаси тузиш учун тўрт давлат — СССР, АҚШ, Англия ва Франция Ташқи ишлар министрларининг Австрия вакиллари иштироки блан яқин вақт ичида ўтказиладиган кенгашида қатнашишга Америка Қўшма Штатлари Ҳукуматининг билдирган розилигини қониқиш блан ма'лумотга олади. Совет Ҳукумати умид билдириб айтадики, бу кенгаш Москвада Австрия томони блан Совет томони ўртасида олиб борилган музокараларнинг натижаларини ҳисобга олиб, Европада тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, Австрия масаласини тўла-тўкис ҳал этиш имконини беради ва демократик Австриянинг мустақиллигини тўла равишда тиклаш имкониятини туғдиради.

Совет Ҳукумати Венада элчилар кенгашининг чақирилиши ҳозирги шароитда Австрия масаласи юзасидан зарур битимга келишнинг энг қисқа йўлидир, деган фикрга қўшилмайди, чунки бу масалани яқин вақт ичида тўрт давлат Ташқи ишлар министрларининг Австрия иштироки блан бўладиган кенгашида қараб чиқиш ва ҳал этиш учун тўла имконият бор. Аммо Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати «ба'зи тайёргарлик ишларини кўриш» учун элчиларнинг шундай дастлабки кенгашини ўтказиш зарур деб ҳисоблаётган экан. Совет Ҳукумати Америка Қўшма Штатлари Ҳукуматининг ана шу истагига кўништа тайёрдир. Шу блан бирга СССР Ҳукумати шунга асосланадики, мустақил ва демократик Австрияни тиклаш тўғрисидаги Давлат Шартномасининг томонлар ўртасида келишилган проекти бўлгани ҳолда, шунингдек Австриянинг мустақил ҳамда тинчликсевар давлат сифатида ривожланиши тўғрисида фикр олишув натижасида манфаатдор томонларнинг қараш лари бир хил эканлиги аниқланган ҳолда, элчилар кенгашининг вазифаси—Австрия блан тузиладиган Давлат Шартномасини қараб чиқиш ва имзолаш учун тўрт давлат Ташқи ишлар министрларининг Австрия иштироки блан бўладиган кенгашини яқин вақт ичида чақиришни та'минлашдан иборат.

Юқорида айтилганларга биноан Совет Ҳукумати тўрт давлат элчиларининг мазкур учрашувини 2 майда Венада ўтказишга рози эканлигини билдиради».

Худди шу мазмундаги нота текстлари Буюк Британия Ҳукуматига ва Франция Ҳукуматига юборилди.

Совет Ҳукуматининг ғарбдаги уч давлат ҳукуматларига юборган ва юқорида келтирилган ноталарининг копияси, худди шу куни Австрия Республикасининг Москвадаги элчиси Н. Бишофф жаноблари орқали Австрия Ҳукуматига топширилди.

Совет-Япония музокараларини бошлаш тўғрисида

Яқинда матбуотда хабар қилинганидек, БМТдаги совет вакили А. Соболев БМТ ҳузуридаги Япония кузатучиси Р. Савадага нота топширган эди, бу нотада Совет ҳукуматининг Совет-Япония музокараларини Жанвада ёки Лондонда олиб боришга рози эканлиги билдирилган эди.

23 апрельда Р. Савада А. Соболевга нота топширди. Бу нотада Япония ҳукуматининг мазкур музокараларни олиб бориш жойи қилиб Лондонни танлаганлиги билдирилади. Шу блан бирга элчи Япония томони музокараларни 1955 йил 1 июньда бошлашни истаганлигини айтди.

25 апрельда А. Соболев элчи Р. Савадага жавоб нотаси топширди. Бу нотада Совет ҳукуматининг Совет-Япония музокараларини Лондонда олиб боришга рози эканлиги билдирилади. А. Соболев совет томони музокараларни 1955 йил 1 июньда бошлаш мумкин деб ҳисоблаганлигини хабар қилди. (ТАСС).

Даволаш ишлари янада яхшилансин

Тошкентдаги 1-нчи шаҳар касалхонасининг коллективи аҳолига яхши медицина хизмати кўрсатмоқда. Касалхона зарур медицина асбоб-ускуналари, ҳархил препаратлар ва малакали медицина ходимлари блан етарли равишда та'минланган.

Касалхонада хизмат қилаётган медицина фанлари кандидати, хирург М. Гаспарьян, доцент И. Георгадзе, ассистентлар М. Шукуров, Н. Нажмиддинов ўртоқлар ҳархил касалликларнинг диагностикасини белгилаш, касалликнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш ва комплекс профилактика тадбирларини ўтказишда ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Ҳамширалардан Р. Соатова, П. Теваева, М. Мордовина, оперантка Ливашина ўртоқлар ҳам беморларнинг турли талаб ва эҳтиёжларини ўз вақтида қондирмоқдалар ва улар тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб, даволанучиларнинг самимий ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Лекин, бу, касалхонада беморларга ҳартомонлама намунали медицина хизмати кўрсатиш, даволаш-профилактика ишларини нормал ўтказиш учун зарур бўлган барча шароитлар яратиб берилган, деган сўз эмас. Касалхона шаҳарнинг Октябрь, областьнинг Тошкент ва Калинин районларида яшовчи меҳнаткашларга хизмат қилади. Брок касалхона бу районлар аҳолисининг талабини тўла қондираолмаётир.

Касалхонада кўз, қулоқ, томоқ ва бурун касалликларини даволовчи бўлимлар ташкил қилинмаган. Шунингдек, беморлар касалхонада кийиладиган ёзлик ёки қишлик кийимлар блан тўла та'минланмаган.

Бундан ташқари, касалхонада маданий-оммавий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилмаган, дам олиш хонаси ва ўқишхона ташкил этилмаган. Даволанучилар газета ва журналларнинг янги сонлари блан мунтазам равишда танишиб бориш имкониятига эга эмаслар. Утган йили Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлигининг раҳбарлари касалхона биносини кенгайтириш тадбирлари кўрилаётганини айтган эдилар. Аммо бу ишга шу вақтгача киришилгани йўқ.

Соғлиқни сақлаш министрлиги касалхона биносини кенгайтириш ва бу ерда даволаш профилактика ишларини намунали ташкил этишга алоҳида э'тибор бериши керак.

И. ОВЧАРОВА.

Ёзги имтиҳон сессияларига тайёрланмоқдалар

Тошкент молия-иқтисод институтининг студентлари ёзги имтиҳон сессияларига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Бунинг учун институт дирекцияси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари студентларга барча қулай шароитларни яратиб бермоқдалар. Шу кунларда институтнинг ўқитучи-профессорлари жадвал бўйича белгиланган соатларда имтиҳон сессиясига киритилган фанлар юзасидан консультациялар ўтказмоқдалар.

Иқтисодий та'лимот тарихи, хўжалик фаолиятини анализ қилиш, иқтисодий статистика каби фанлар бўйича консультациялар блан бирга қўшимча дарс машғулотлари ҳам ўтказилмоқда. Студентлар коллектив бўлиб дарс тайёрлашни ҳам кенг қўлланмоқдалар. Дарс тайёрлаш учун махсус хона ажратилган. Институтнинг кенг ва ёруғ ўқиш залида студентлар имтиҳон сессияларига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Х. ЭРГАШЕВ.

Мактаб ўқучиларининг яхши ташаббуси

Яқинда Верхне-волинск районидаги 1-нчи мактабда темир-терсак тўплашга бағишланган ўқучилар йиғилиши бўлиб ўтди.

Актив ўқучилардан Ю. Маҳкамбоев, Қ. Умаров, У. Мақсудова, Т. Иванов, У. Эгамқулов ва У. Муродовлар йиғилиш ўтган кунинг эртасигаёқ, ўз ва'даларини амалда исбот қилиб, кўп миқдорда металл йиғиб келтирдилар. Шунингдек, райондаги 2-нчи еттийиллик мактабнинг ўқучилари ҳам темир-терсак йиғиш ишларини қизитиб юбордилар.

Қ. ҚУРБОНБОЕВ.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИНГ ҚУДРАТЛИ КУЧИ

«Социалистик мусобақанинг улуғ кучи, ишчилар, колхозчилар ва интеллигентларнинг тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга якдиллик блан интилиши, меҳнаткашларнинг коммунистик жамиятни қуриш йўлидаги қат'ий ҳаракати янги бешйиллик планни тўла ва ошириб бажаришга қаратилиши лозим».

(СССР тараққиётининг 1951—1955 йилларга мўлжалланган бешинчи бешйиллик плани юзасидан партия XIX с'ездининг директиваларидан).

Майолди социалистик мусобақасининг илғорлари. **Суратда** (биринчи қаторда чапдан ўнгга): В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг илғор пўлат қуючиси **Б. Мирзаматов**, «Чирчиксельмаш» заводининг илғор токари **А. Турсунбоев**, Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати **Қ. Султонов**, Қорасув районидаги Жданов номли колхознинг сут соғувчиси **З. Добровольская**, «Таштекстильмаш» заводининг новатор-ишчиси **И. Шер**, (Иккинчи қаторда): Мирзачўл районидаги 1-нчи МТСнинг механик-ҳайдовчиси **А. Алимов**, Калинин районидаги Сталин номли колхоз чўпони **А. Эшонов**, Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикасининг цех бошлиғи **С. Исломова**, Ховос районидаги 2-нчи МТС бригада механиги **Х. Рисқулов**, Тошкент тепловоз депосининг машинисти **М. Бочаров** ўртоқлар.

Муваффақиятларимизнинг гарови

А. СЕРГЕЕВА,
И. В. Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари.

Биринчи кварталда Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини 103,93 процент бажариб, планга қўшимча равишда 1 миллион 85800 метр газлама, 155,9 минг метр хом газлама, 45,6 тонна калава ип, 3 миллион 156,6 минг дона ғалтак ип, 2 миллион 729,6 минг калава мулине тайёрлади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи 1 миллион 347 сўм камайтирилди, ҳарбир ишчининг меҳнат унумдорлиги 2,24 процент оширилиб, давлатга планда белгиланганидан ташқари 613 минг сўм жамғарма берилди.

Биз, маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш учун курашиш блан бир қаторда унинг сифатини яхшилашга алоҳида э'тибор бермоқдамиз. Ҳозир тайёрланаётган маҳсулотнинг 97 процентдан кўпи биринчи сортга қабул қилинмоқда.

Тўқучилар, йигиручилар, барча инженер-техник ходимлар ва хизматчилар меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш учун барча имкониятларни ишга солишлари натижасида комбинатимиз 1955 йил бир кварталида СССР Кенг исте'мол товарлари саноати министрлигининг корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада яхши кўрсатгичларга эришгани учун министрлик ва ВЦСПСнинг учинчи пул мукофотини олишга муваффақ бўлди.

Меҳнатсевар коллектив қўлга киритилган ютуқлар блан мағрурланиб кетмай, бу муваффақиятни меҳнат соҳасида янги ғалабалар блан мустаҳкамлаш учун янада зўр ғайрат блан меҳнат қилабошлади. Натижада 4 ойлик планни ҳам муддатидан олдин бажариш ва аҳоли учун кўпгина қўшимча газлама ва ип ишлаб бериш имконияти вужудга келди. Бу — Тошкент тўқимачиларининг улуғ байрамга тайёрлаган муносиб совғаларидир.

Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда социалистик мусобақа ҳал қилучи роль ўйнамоқда. Комбинатдаги фабрикалар, цехлар, сменалар, бригадалар ва бирхил касб эгалари ўртасида байрам шарафига ўзаро социалистик мусобақа авж олдириб юборилди. Читга гул босиш, 3-нчи йигирув ва 1-нчи тўқув фабрикалари ҳамда механика заводи коллективлари илғор иш методларини кенг қўлланиб, механизмлар қувватидан максимал фойдаланиш ва нуқул а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун олиб борилаётган мусобақада олдинда бормоқдалар. Биринчи йигирув фабрикасининг илғор ишчиларидан Толипова, Пўлатова сингари юзлаб тўқучилар ойлик топшириқни доимо ошириб бажармоқдалар. Улар тайёрлаган маҳсулотнинг деярли ҳаммаси, я'ни 99,9 процанти а'ло сифатга қабул қилинмоқда. Социалистик мусобақанинг янги-янги формаларини қўлланиш натижасида ишлабчиқариш илғорларининг сони кун сайин ортиб бормоқда. Ҳозир социалистик мусобақа илғорларининг сони комбинат бўйича тўққиз мингга яқинлашди. Утган 3 ойнинг ўзида 1970 ишчига «Ўз касбининг а'лочиси» деган шарафли унвон берилди.

Монинодаги камволь комбинатининг мастер ёрдамчилари Копралов, Пантелеев, Смирнов ва Павлов ўртоқларнинг янги ташаббуси комбинатимиздаги барча мастер ёрдамчилари томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Ҳозир ҳамма цехларда ана шу прогрессив метод асосида ишлаш учун мусобақа авж олиб бормоқда. Биринчи тўқув фабрикасидаги кўпгина мастер ёрдамчилари Копралов усулида ишлаб, ҳарбир станокнинг ва тўқучининг иш унумдорлигини оширишга, нуқул а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни та'минлашга эришмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик машиналаридан унумли фойдаланиш учун

А. МЕШКОВ,
Янгийўл районидаги 1-нчи МТСнинг директори, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

Қишлоқ хўжалик ишларини энг яхши агротехника муддатларида сифатли ўтказиш учун, колхоз далаларининг унумдорлигини ошириш учун механизаторларнинг ўзаро социалистик мусобақаси асосида ишлаш — Янгийўл район 1-нчи МТСи коллективининг иш практикасида одат бўлиб қолди. Қайси бригадада ёки агрегатда социалистик мусобақа яхши ташкил қилинган бўлса, ишнинг муваффақияти яққол кўзга ташланиб туради.

Пахтачиликда прогрессив агротехниканинг кенг кўламда жорий қилиниши муносабати блан бу йил МТС коллективи ўртасида социалистик мусобақа янада ривожлантирилди. Қишки ремонт даврида механизаторлар, МТС ишчилари — токарьлар, слесарьлар ва бошқа ходимлар МТС паркини қисқа муддатда дала ишига тайёрлаш, техникани қайтадан мослаш юзасидан ўз зиммаларига оширилган мажбурият олдилар. Ишни сифатли бажариш, материални тежаб-тергаб сарфлаш учун курашдилар. Ремонтчилар «Универсал», сеялка ва бошқа машиналарни қайта мослашда қимматли рационализаторлик таклифлари киритдилар ва буларни амалга оширдилар.

МТС партия ташкилоти, дирекцияси ва маҳаллий комитети социалистик мусобақа мажбуриятларини ўз вақтида якунлаб боришга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Мусобақа илғорлари «Ҳурмат тахтаси»га ёзилиб, уларнинг иш тажрибалари деворий газетада ва ишлабчиқариш йиғилишларида кенг пропаганда қилинади.

Бу йил МТС коллективи кўклам дала ишларига уюшқоқлик блан киришди. Ҳарбир трактор бригадаси, универсалчи, экиш агрегатининг а'золари ва тракторчилар ўз зиммаларига аниқ мажбуриятлар олиб, уни бажариш учун ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар. Ўртоқ Чегарев бошлиқ 3-нчи трактор бригадаси чигит экишни 10 иш кунида тамомлади, ғўзани 5 марта культивация қилиш ва уни икки марта СУЗ блан озиқлантириш, ҳар иш мавсумида кўплаб ёнилғи тежаш мажбуриятини олиб, Ўртоқ Сидиқ Назаров бошлиқ 1-нчи трактор бригадаси блан мусобақалашмоқда. 3-нчи трактор бригадаси ўз мажбуриятини ошириб бажарди. Чигитни квадрат-уялаб экиш муваффақиятли ўтди. Ўртоқ Мустафоев бошлиқ трактор бригадаси квадрат-уялаб экишда илғорлар қаторига чиқиб олди.

Трактор бригадалари ўртасида бошланган мусобақанинг дастлабки якунлари коллектив йиғилишида муҳокама қилинди. Мусобақа илғорлари Чегарев ва Сидиқ Назаров ўртоқлар бошлиқ трактор бригадаларининг иш натижалари ўрганилди ва илғорларга кўчма Қизил байроқ берилди.

МТС коллективи дала ишларининг иккинчи даврига — ғўза парваришига киришаётир. Универсалчиларнинг кўпчилиги 1 августгача камида 1000 гектар майдондаги ғўзани сифатли ишлаб бериш мажбуриятини олдилар. МТСимиз коллективи социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун ҳормай-толмай меҳнат қилади.

Мусобақа натижалари

Республика пойтахтининг саноат корхоналари коллективлари бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Меҳнат унумдорлигини ошириш, ички резервлардан унумли фойдаланиб ишлаш натижасида бешйилликнинг ўтган тўрт йили ичида шаҳар корхоналари пландан ташқари 700 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Айниқса бутун халқ хўжалигини яна юксалтиришнинг, Ватанимиз қудратини ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашнинг негизи бўлган оғир саноат тез темплар блан ривожланмоқда. Шаҳар машинасозлик заводлари 1954 йилда 1950 йилдагига нисбатан, 97,7 процент кўп маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим воситаси

А. ДОКУКИН,
Тошкент экскаватор заводи касаба союз комитетининг раиси.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатимиз халқлари олдига халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантиришдек буюк вазифаларни қўйдилар. Бу вазифаларни муваффақият блан бажариш учун бутун халқ хўжалигини янада юксалтиришнинг, халқнинг моддий ва маданий фаровонлигини оширишнинг, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашнинг негизи бўлган оғир саноатни устун даржада ривожлантириш талаб этилади.

Тошкент экскаватор заводининг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1 Май муносабати блан чиқарган Чақириқларидан илҳоманиб, халқ хўжалиги учун юксак даражада унумли ишлайдиган экскаваторларни кўплаб ишлаб чиқариш мақсадида ҳарқачонгидан ҳам зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар. Биз тайёрлаётган машиналар қандай мақсадларда фойдаланилишини жуда яхши биламиз. Ҳозирги вақтда йирик иншоотлар, электростанциялар, корхоналар, уй-жой қурилишларини экскаваторларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Экскаватор ишчиларни ер қазиш процессидек энг оғир ва кўп жисмоний меҳнат талаб этадиган ишдан бутунлай озод этди. Шунингдек, экскаватор қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда ҳам гоят муҳим роль ўйнамоқда.

Ана шуларни чуқур ҳис этган коллективимиз меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаб, унинг таннархини тобора пасайтириш ва шу асосда севикли она-Ватанга ишлаб машиналар етказиб бериш мақсадида социалистик мусобақани кенг қизитиб ишламоқда. Давлат планларини систематик равишда ортиқ блан бажаришда, коллективнинг ижодий ғайрат ва ташаббусини янада оширишда корхонадаги социалистик мусобақа жуда катта роль ўйнамоқда. Социалистик мусобақа — бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун коллективнинг ташаббусини қўзғатадиган, меҳнат унумдорлигини янада ошириш, ишлабчиқариш технологиясини такомиллаштиришга имкон беручи, янгидан-янги резервлар қидириб топиш ва уни жорий қилишга сафарбар этучи қудратли воситага айланиб бормоқда. Корхона партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари социалистик мусобақанинг ишчилар, инженер-техниклар ўртасида чинакамига оммавий тус олиши учун зарур бўлган ҳамма чора ва тадбирларни амалга оширмоқда.

Биз москвалилар ташаббусига қўшилиб, ички имкониятларимизни ҳартарафлама ҳисобга олган ҳолда, ўз зиммамизга ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллиги кунигача бажариш мажбуриятини олганмиз. Бу мажбуриятни шараф блан бажариш учун коллективимиз ўртасида бошланган социалистик мусобақа янги куч, янги ғайрат блан кенг қулоч ёйди. Натижада корхонада маҳсулот тайёрлаш йилдан-йилга ўсмоқда. Биз 1954 йилда 1950 йилдагига нисбатан 79,2 процент кўп экскаватор ишлаб чиқардик. Биргина шу йилнинг I кварталида ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан 1,7 процент кўп экскаватор тайёрладик. I квартал топшириғи ялпи маҳсулот бўйича 103,8 процент, товар маҳсулоти бўйича 104,5 процентга етказиб бажарилди. Тайёрланаётган маҳсулот таннархи 37 процент камайтирилди.

Шу кунларда корхонада умумхалқ байрами 1 Майни ишлабчиқаришда муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун бошланган ҳаракат тобора кенг қулоч ёймоқда. Бу мусобақада ғолиб чиқиш ҳамма завод дирекцияси ва касаба союз комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритиш учун цех коллективлари ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар. Механика-йигув цехининг ишчан коллективи мусобақада олдинда бормоқда. Цех бошлиғи Поп'в, партия ташкилотининг секретари Фролов ва цехком раиси Мерзлов ўртоқлар коллективнинг ғайрат ва ташаббусини ишлабчиқариш топшириқларини тўла ҳамда ошириб бажаришга сафарбар этмоқдалар. Меҳнатда бошқаларга намуна кўрсатиб ишлаётган илғор ишчилар ўз вақтида турли йўллар блан рағбатлантирилмоқда, уларнинг тажрибалари деворий газета, «Жанговар варақа» ва «Молния»лар орқали коллектив ўртасида кенг оммалаштирилмоқда. Квартал планини ялпи маҳсулот бўйича 116,8 процент, товар маҳсулоти бўйича 110,8 процентга етказиб бажарган бу илғор коллектив апрель ойи ишлабчиқариш топшириғини ҳам муддатидан илгари бажарди.

Механика-йигув цехининг коллективи блан мусобақалашаётган механика, металлконструкция цехларининг ишчилари ҳам тинчлик вахтасида туриб ишлаб, юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар.

Социалистик мусобақанинг энг яхши натижаларидан бири шуки, коллективимиз ўртасида ишлабчиқариш новаторларининг сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозир илғор ишчилардан 300 га яқин киши кундалик смена топшириғини систематик равишда 250—300 процентга етказиб бажараётир. Ремонт-механика цехининг слесари Косов, қуюв цехининг қолипчиси Холмаров, ёғоч цехининг дурадгори Старостин, металл-конструкция цехининг қозончиси Сальников ва бошқа ўртоқлар шулар жумласиладир.

Ма'лумки, кўп меҳнат талаб этадиган иш процессларини механизациялаштирмасдан туриб, ишлабчиқариш технологиясини янада такомиллаштирмасдан туриб меҳнат унумдорлигини ошириб бўлмайди. Шу сабабли корхона ма'мурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари ишчилар, инженер-техник ходимлар ўртасида рационализаторлик ва ихтиро'чилик ҳаракатини ҳартарафлама кенгайтиришга алоҳида э'тибор бермоқдалар. Биз коллективдан тушган таклифларни ўз вақтида кўриб чиқиб, уни қисқа вақт ичида амалга ошириш ва таклиф авторларини рағбатлантириш чораларини кўрмоқдамиз. Бу эса ўз навбатида рационализатор ва ихтиро'чилар сонининг тобора ўсиб боришини та'минламоқда. Энг яхши рационализаторларимиздан технолог Москотельников, пармаловчи Колмиков, токарь Николаев, слесарь Бро ва бошқа ўртоқларнинг ишлабчиқаришга жорий қилинган таклифлари завод коллективи томонидан давлат планларини муддатидан илгари бажаришга қўшилган муҳим ҳисса бўлди.

Биз экскаватор ишлаб чиқариш блан бир қаторда қишлоқ хўжалик машиналари учун деталь ва запас қисмлар ҳам тайёрламоқдамиз. Коллективимиз культиватор узелларини белгиланган муддатдан илгари йиғиб, топшириш учун бошланган шаҳар корхоналари ўртасидаги мусобақада яхши натижаларга эришганлиги учун 3-нчи пул мукофотини олишга муваффақ бўлди.

Меҳнат унумдорлигини тинмай ошириш ва корхона иқтисодий кўрсаткичини яхшилашда коммунистик жамият қурилишининг синалган методи — социалистик мусобақа муҳим воситадир. Биз қўлга киритилган муваффақиятларимизни мустаҳкамлаш мақсадида социалистик мусобақанинг энг муҳим талабларига риоя қилиб, бундан кейин ҳам қолоқ ишчиларни илғорлар қаторига етказиш масалалари блан жиддий шуғулланамиз. Бунинг учун завод касаба союз комитети ва унинг ишлабчиқариш—оммавий комиссияси илғорлар усулини кенг оммалаштириш, ҳарбир ишчининг ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятларини тўла ҳамда ошириб бажаришни учун зарур бўлган ҳамма имкониятларни яратиб беради ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун бошланган умумхалқ курашига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Тепловозларнинг юриш тезлиги ошмоқда

Темир йўл Тошкент бўлимида Ким Кондратьевни ҳамма танийди. У, беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариш учун курашаётган илғор диспетчерлардан биридир. Қўшни, Урсатьевск бўлими ва Сирдар'ё станцияси ходимлари блан яқин контактда ишлаб, Ким Кондратьев ҳарқандай об-ҳаво шароитида ҳам составларнинг нормал ҳаракатини та'минлашда яхши натижаларга эришаётир.

Одатдаги иш кунларидан бири. Жанубий участкада кутилмаган ҳолат рўй бериб қолди: Сирдар'ё станциясига Урсатьевск томонидан иккита тоқ сонли поезд келаётир. Бироқ станцияда бу поездларни Тошкентга олиб кетиш учун тепловоз йўқ эди. Тепловозлар бўлимнинг Шимолий участкасидан ўз вақтида етиб келмаган эдилар. Сирдар'ё станциясида тоқ сонли поездларнинг кўп тўхтаб қолмаслигини та'минлаш учун Кондратьев маршрутдаги жуфт сонли поездни графикда кўрсатилган вақтдан тезроқ юргазишга қарор қилди. Шимолий участкадан сменани қабул қилиш учун станцияга келган машинист Камишев блан келишиб, Кондратьев қийин аҳволни олдини олиш тадбирини ўйлаб чиқди: жуфт сонли поезд Сирдар'ёгача тўхтамай боради, 30 минут ичида 1015 номерли поездни машинист Камишев қабул қилиб, график бўйича орқага қайтади.

Ўртоқ Камишев бригадаси бу вазифани тўлиқ бажарди. Нормадан 300 тонна ошиқча юк ортган поездни тажрибали машинист Камишев бригадаси белгиланганидан 2 марта тезроқ Сирдар'ё станциясига олиб келди. Бу пайтда 1015 номерли поездни кондукторлар бригадаси қабул қилиб олган эди. Составнинг оғирлиги нормадан 400 тонна ошиқ эди. Бироқ, бу ҳол ўз ишининг устаси бўлган Камишевни сра ҳам чўчитмади. У бундай оғир составни биринчи марта бошқараётгани йўқ. Станция бўйича навбатчи ўртоқ Поляков ҳазиллашиб:

— Нима, бир-икки вагонни олиб қоламизми? — деганида, Камишов кулимсираб:

— Йўқ, оғир бўлгани дуруст, машинамнинг бели бақувват, — деб жавоб берди.

Машинист Камишев тепловози Тошкент—Сирдар'ё участкасида нормада белгиланганидан 2 марта ортиқ тезлик блан юрди. Натижада иккала тоқ сонли поездлар ҳеч тўхтовсиз ўз жойларига олиб келинди.

Сўнгги йилларда ортдирилган бой тажрибага асосланиб, диспетчер Ким Кондратьев ва Тошкент депосининг машинистлари темир йўл бўлимининг шимолий ва жанубий участкаларида тепловозларнинг юриш тезлигини 2 мартагача тезлаштириш мумкинлигини амалда исбот қилиб кўрсатдилар.

Н. ГОЛОВИН.

Яна илғорлар сафидан ўрин оламиз

Н. БЕЛЯКОВ,
«Чирчиксельмаш» заводи партия бюроси секретарининг ўринбосари.

«Чирчиксельмаш» заводи мамлакатимизнинг пахтакор районларидаги совхоз ва МТСларга пахта сушилкалари, чеканка ва кўрак чувиш машинаси, культиватор ҳамда турли узельлар, запас қисмлар етказиб беришда салмоқли ўрин тутадиган йирик корхонадир. Завод коллективи маҳсулот ишлабчиқаришни йил сайин кўпайтириш блан бирга турли хил янги машиналар тайёрлашни ўзлаштирмоқда. Бешинчи бешйилликнинг ўтган тўрт йили ичида завод бўйича 10 миллион сўмликдан кўпроқ қўшимча маҳсулот берилди.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, социалистик мусобақага старлича баҳо бериб, унинг кенг қулоч ёйишини та'минлаган корхонада ишлабчиқариш бир ме'ёрда ривожланади, меҳнат интизоми мустаҳкамланади ва иш маданияти юксалаборади. Қаерда бу масалага юзаки қаралса, у ерда ишнинг мазаси қочади, давлат ва халқ манфаатига зарар етказилади. Буни биз ўз тажрибамизда жуда кўп марта синаб кўрдик. Мана, яқиндаги бир мисолни олайлик. Биз 1954 йил планини ялпи маҳсулот бўйича 109 процент, товар маҳсулот бўйича 110 процент қилиб бажардик. Бундай кўрсаткичга эришишни та'минлаган асосий омил — партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг барча касб эгалари ўртасида ўзаро социалистик мусобақани қизитиб юбришга алоҳида э'тибор берганликлари бўлди. Бироқ, 1955 йил бошидан бошлаб корхона раҳбарлари ўртасида бироз бўшашучанлик, қўлга киритилган ютуқлар блан кифояланиш каби ярамас қайфият туғилди. Цехлар, бригадалар, сменалар ва ҳарбир касб эгалари ўртасида мусобақани янада қизитиб юбориш масаласи блан жиддий шуғулланилмади. Оқибатда январь ва февраль ойларида давлат планини бажараолмадик: пландагидан 22,2 процент кам запас қисмлар тайёрланди, пахтакорлардан 1210 дона культиватор қарздор бўлиб қолдик.

Завод партия ташкилоти ва мамурият ишда йўл қўйилган бу жиддий камчиликни тезда бартараф қилиш тадбирларини белгилаб чиқди. Коммунистлар ва комсомоллар бу тадбирларни амалга ошириш учун зўр ғайрат блан киришдилар. Улар апрель ойида ҳарбир ишчининг иш унумдорлигини ҳарқачонгидан ҳам ошириш, мавжуд механизмлар қувватидан максимал фойдаланиш йўли блан 1000 дона ўрнига 1300 дона НКУ-2,4 ва НКУ-2,7 культиватор тайёрлаш учун курашни қизитиб юбордилар.

Цехлар ўртасидаги мусобақада 2-нчи йигув цехи олдинда бормоқда. Цехдаги слесарь Сахатов, пармаловчи Гумирова, токарь Иброҳимов сингари ўнлаб ишчилар смена нормаларини 3—3,5 баравар бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Шу цехдаги Қурбонов, Косенко, темирчилик-пресс цехидаги Яковлев каби мастерлар ўз участкаларида кундалик графикнинг 110 — 115 процентдан бажарилишини та'миндамоқдалар. Ўнсаккиз комсомол-ёшлар бригадаси айниқса ташаббус блан ишламоқда. Улар ичида асбобсозлик цехидаги Галимов бошчилигидаги бригада ёшлари декада ва ойлик топшириқни 270—280 процент бажариб, бутун коллектив ҳурматига сазовар бўлмоқдалар.

Барча цехларда социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб юбориш натижасида апрель ойининг ўтган 2 декада топшириғи ошириб бажарилди. Бешйиллик илғорларининг сони 300 га яқинлашди.

Область саноат корхоналари ичида бирнеча йилдан бери олдинда келаётган чирчиксельмашчилар социалистик мусобақа байроғини баландроқ кўтариб, яна илғорлар сафидан ўрин олиш учун бутун куч ва ғайратларини сафарбар этадилар.

Социалистик мусобақани кучайтириб, пахтадан мўл ҳосил етиштирамиз

О. ОТАБЕКОВ,
Бекобод районидаги Маленков номли колхоз раиси.

Колхоз хўжалигини янада ривожлантириш, пахта ҳосилини кўпайтириш блан меҳнат унумини тобора оширишда социалистик мусобақа ҳал қилучи кучга эгадир. Партия ташкилотининг бошчилигида социалистик мусобақани кенг кўламда ривожлантириб, колхоз хўжалиги олдидаги вазифаларни муваффақиятли бажаришга эришмоқдамиз.

Ўтган йили колхозимиз а'золари райондаги Молотов номли колхоз пахтакорлари блан социалистик мусобақа боғлаб, бир-бирлари блан ҳамкорликда бирмунча яхши натижага эришдилар. Ўзаро текшириш бригадаларининг ҳар икки колхоз далаларида бўлиши ишимизда йўл қўйилган камчиликларни йўқотишга ва тажрибаларимизни ўртоқлашишга катта ёрдам берди. Шунингдек, мусобақадош қардош республика ва область пахтакорларининг вакиллари ҳам ўз маслаҳатлари ва ўртоқларча таниқидлари блан катта ёрдам бердилар. Натижада колхозимиз пахта етиштириш юзасидан белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажарди, пахта ҳосили ошди, даромадимиз кўпайди.

Бу йил 715 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан Молотов номли колхоз а'золари блан мусобақани давом этдирмоқдамиз. Шунингдек, колхозимизда бригадалар, звеноларо мусобақа кучайтирилган. Мусобақанинг дастлабки натижалари бўйича Қурбон Ёриев, М. Мирзажонов, Б. Тўйчиев бошлиқ бригадаларнинг а'золари илғорлар қаторида бормоқдалар. Бу бригадаларда чигит экиш тугалланиб, ғўза парваришни бошланди ва совуқдан зararланган айрим ерларга қайтадан чигит экиш ишлари ҳам тамом бўлди.

Бу йил колхозимизда агротехниканинг янги методларини катта майдонларда қўлланмоқдамиз. 180 гектар майдонга квадрат-уялаб чигит экилди. Бу ишда Бекобод 1-нчи МТСининг механизаторлари самарали ёрдам бердилар. Универсалчи Собир Охунов бошлиқ экиш агрегати мусобақада ғолиб чиқиб, МТСнинг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлдилар. Бу агрегат а'золари Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи блан мукофотландилар.

Колхоз бошланғич партия ташкилоти социалистик мусобақани кенг кўламда ривожлантириш блан, илғорларни рағбатлантириш ва қолоқларга ёрдам беришга алоҳида э'тибор бериб келмоқда. Ҳар 10 кунда илғор бригадага кўчма Қизил байроқ топшириб турилади. Ҳозир бу байроқни ўртоқ Бекбола Тўйчиев бошлиқ бригада а'золари ўз қўлларида сақлаб турадилар.

Кўрсатгичлар тахтасида, деворий газета саҳифаларида мусобақа илғорлари эришган муваффақиятлар ва уларнинг иш тажрибалари кўрсатиб борилмоқда.

Маленков номли колхоз а'золари мусобақа шартларини тўла бажариш учун курашиб, бу йил ҳар гектар ердан 29 центнердан пахта ҳосили етиштиришни та'минлайдилар.

Мусобақа натижалари

Тошкентдаги «Под'ёмник» заводининг коллективи социалистик мусобақани меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашда асосий восита деб билиб, уни ҳартомонлама ривожлантиришга алоҳида э'тибор бермоқда. Шунинг учун ҳам бу ерда кўтарма кранлар, қишлоқ хўжалиги машиналарига зарур деталь ва узеллар ишлаб чиқариш топшириғи ойма-ой ошириб бажарилмоқда.

Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари майолди социалистик мусобақасини авж олдириб, биринчи кварталда қўлга киритган ютуқларини апрель ойи планини муддатидан 5 кун илгари бажариш блан мустаҳкамладилар. Айниқса корхонанинг механика ва темирчилик цехлари ишчилари зўр ташаббус кўрсатиб, ишладилар.

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИ СЕКРЕТАРИАТИНИНГ АХБОРОТИ

ВЕНА, 27 апрель. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Секретариати э'лон қилиш учун қуйидаги ахборотни топширди:

Турли мамлакатлардаги та'сирли ташкилотлар Жаҳон Тинчлик Кенгашига мурожаат қилиб, ундан Ассамблеяни (тинчликсевар кучлар вакилларининг Жаҳон ассамблеясини. — Редакция) чақириш муддатини кечиктиришни сўрадилар. Бу Ассамблея май ойида Хельсинкида ўтказилади деб белгиланган эди.

Ассамблеяда қатнашишни истаган кишилар ҳам шундай илтимос блан мурожаат қилдилар.

Шунга биноан Жаҳон тинчлик ассамблеясини 1955 йил 22—29 июньда Хельсинкида ўтказишга қарор қилинди.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Раиси
Фредерик ЖОЛИО-КЮРИ.
Париж, 1955 йил,
27 апрель.

МУҒУЛИСТОН ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҚАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ОЛТИНЧИ С'ЕЗДИ

УЛАН-БАТОР, 27 апрель. (ТАСС). Бугун Улан-Баторда Мўғулистон Халқ Республикаси касаба союзларининг олтинчи с'езди очилди. С'ездда Мўғулистон халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг ва Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукуматининг раҳбарлари, СССР ва Хитой Халқ Республикаси касаба союз делегацияларининг а'золари иштирок қилмоқда. КПСС Марказий Комитети Президиумининг а'золари с'езд фахрий президиумига сайландилар.

Мўғулистон Халқ Республикаси касаба союзлари Марказий кенгашининг раиси Удвал касаба союзлари Марказий кенгашининг иши тўғрисида с'ездда ҳисоб берди.

Эрталабки мажлисда Мўғулистон Халқ Революцион партияси Марказий комитетининг секретари Дугурсурун Мўғулистон халқ-революцион партияси Марказий комитети ва Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукумати номидан с'езд қатнашчиларини табриклади.

БУЮК БРИТАНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ МАНИФЕСТИ

ЛОНДОН, 27 апрель. (ТАСС). Кеча Лондонда, навбатдаги парламент сайлови муносабати блан Буюк Британия Коммунистик партияси ижроия комитетининг мажлиси бўлди. Мажлисда район партия комитетларининг секретарьлари ва партиянинг бошқа кўзга кўринган ходимлари қатнашдилар.

Матбуотда босилган хабарларга қараганда, кенгаш қатнашчилари партиянинг сайловолди манифестини якдиллик блан ма'қуллаганлар. Манифестда қуйидаги талаблар илгари сурилади: водород бомбани ва атом қуролининг ҳамма турларини тақиқлаш; Германияни қуроллантиришни тўхтатиш; қурол-яроғларни ялпи камайтириш; халқ Хитойини БМТда қатнаштириш ва мустамлака урушларини тўхтатиш. Ички сиёсат соҳасида ишқаҳини ошириш йўли блан, шунингдек социал страхования бўйича пенсия ва нафақани кўпайтириш йўли блан халқнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳамда маориф ва соғлиқни сақлаш ишига маблағ чиқаришни кўпайтириш, квартира ҳақини камайтириш ва уй-жой қурилишини кенгайтириш талаб қилинади. Манифест саноатнинг ҳамма асосий тармоқлари, банклар, страхование кампаниялари ва ер монополиячилар қўлидан олинсин ҳамда халқ бахт-саодати йўлида фойдаланилсин деб талаб қилади. Манифестда Шарқ блан Ғарб ўртасидаги савдо-сотиқда бўлган ҳамма чекловлар тугатилсин, деб ҳам талаб қилинади. Буюк Британия Коммунистик партияси ижроия комитети раисининг ўринбосари Палм Датт мажлисда нутқ сўзлаб, сайловолди кампаниясининг асосий мазмуни тинчлик учун курашдан иборат бўлмоғи лозим деб уқтириб ўтди.

Сўнгра сўзга чиққан Жон Голлан «Бу сайловлар, даставвал, тинчлик учун курашишдан иборат» деди.

Голлан консерваторлар сиёсати блан ўнг лейборист раҳбарлар юргизаётган сиёсат ўртасида ҳамма асосий масалалар юзасидан айтарлик тафовут йўқлигини айтиб, сўнгра касаба союзларида ва лейбористлар партиясининг қўйи ташкилотларида эса консерваторларнинг сиёсатига қарши, Ғарбий Германияни қуроллантиришга қарши, атом қуроли блан зўр бериб қуролланишга қарши, тинчлик ва социал прогресс учун кат'ий кураш олиб боришга интилиши борлигини уқтириб ўтди.

Герман милитаризмининг тикланишига қарши курашда меҳнаткашларнинг сафларини жипслаштириш шиори остида

Германияда 1 Майга тайёргарлик

БЕРЛИН, 28 апрель. (ТАСС). Ғарбий Германия меҳнаткашлари Биринчи май байрамини ўз сафларини жипслаштириш шиори остида, Париж ҳарбий битимларига ва Ғарбий Германияни ремилитаризация қилишишга қарши, тинчлик учун ва Германиянинг бирлиги учун кураш куни сифатида нишонлашга тайёрланмоқдалар.

Ўнг касаба союз раҳбарларининг саф бузиш ҳаракатларига қарамай, Ғарбий Германия меҳнаткашлари ўртасида 1 Май кунини биргаликда ўтказиш учун кураш ҳаракати кучайиб бормоқда. Аахен районидаги кўпгина шаҳарларда ва аҳоли яшаб турган пунктларда Биринчи май байрамини ўтказиш учун коммунистларнинг, социал-демократларнинг, касаба союз а'золарининг ва партиясизларнинг вакилларидан иборат комитетлар ташкил қилинган. Гессеннинг аҳоли яшаб турган пунктлари Рафоль Цхаузен ва Вальдорфда, Баден-ўлкасининг Вюртемберг, Вюртемберг-Филипсбург, Руит, Маркгрениген ва Гемсбах шаҳарларида аҳоли яшаб турган пунктларда, шунингдек Шимолий Рейн-Вестифалия ўлкасидаги ва Ғарбий Германиянинг бошқа ўлкаларидаги кўпгина шаҳарларда ва корхоналарда ҳам ана шундай комитетлар тузилган.

Германия Коммунистик партияси правлениесининг Биринчи май хитобномаси Ғарбий Германия меҳнаткашлари ўртасида қизғин ма'қуллаб кутиб олинди. Хитобномада 1 Май куни немис меҳнаткашлари сафларининг бирлигини кўрсатучи намойишга айлантирилсин, уларнинг Париж битимларига қарши ва герман милитаризмининг тикланишига қарши, тинчлик учун, Германиянинг бирлиги учун, меҳнаткашларнинг социал-иқтисодий ҳуқуқлари учун курашишга қат'ий қарор берганликларини кўрсатучи намойишга айлантирилсин, деб чақирилади. Немис ишчилар синфининг тарихи ўргатадики, дейилади ГКП хитобномасида, бирлик ва уюшқоқлик ғалабанинг гаровидир.

Германия Демократик Республикаси меҳнаткашлари ўртасида Биринчи май байрамига тайёргарлик кенг қизиб кетди. ГДР ишчилари, деҳқонлари, меҳнаткаш интеллигенцияси 1 Майни Ғарбий Германиядаги ватанпарвар кучларнинг герман милитаризмининг тикланишига қарши олиб бораётган курашида қардошларча бирдамлик куни ва бу курашни қўллаб-қувватлаш куни сифатида нишонлашга тайёрланмоқдалар. Республиканинг фабрикаларида, заводларида, шахталарида майдон социалистик мусобақаси кучайиб кетди.

Корейс халқи Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясини табрикламоқда

ПХЕНЬЯН, 27 апрель. (ТАСС). Корейс халқи Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясининг ишини зўр э'тибор блан кузатиб турди.

«Нодон симнун» газетаси бугунги бошмақоласида бундай деб ёзади: Осиё ва Африка мамлакатларининг Конференцияси жаҳон халқларининг умид-орзусини рўёбга чиқарди. Конференция Осиё ва Африка мамлакатлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни осонлаштирди ва муҳим масалалар юзасидан бамаслаҳат қарорлар қабул қилиш имкониятини берди. Конференция халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатишга, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга, бу территориялардаги халқлар ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам берди. Конференциянинг муваффақияти тотув яшаш идеясининг буюк ҳаётбахш кучини яна бир марта ёркин кўрсатди.

Ливан жамоатчилиги Осиё ва Африка мамлакатлари Конференциясининг натижаларидан мамнун

БАЙРУТ, 27 апрель. (ТАСС). «Алҳадаф» газетаси Осиё ва Африка мамлакатларининг Бандунгда бўлиб ўтган Конференцияси ўз ишини тамомлаганлигини шарҳлаб, бундай деб уқтириб ўтади: Конференция «Осиё ва Африка мамлакатларини империализм кишанларидан озод қилишга қаратилган жуда муҳим қарорлар қабул қилиш блан тамом бўлди. Бундан ташқари, бу конференция тотув яшаш тўғрисида ва атом урушига қарши кураш ҳақида қарорлар қабул қилди».

Ливаннинг сиёсий доиралари Бандунгда бўлиб ўтган конференциянинг натижаларини ғоят мамнуният блан кутиб олдилар. Ба'зи сиёсий арбобларнинг айтишича, Бандунгдаги Конференция Осиё ва Африка мамлакатларининг мустақил сиёсат юргизишлари учун замин яратиб берди. Бандунгдаги конференция, дейилар бу сиёсий арбоблар, Осиё ва Африка мамлакатларининг ғалабасидир ва бу ғалаба яқин келгусида ўзининг натижаларини беради. Осиё ва Африка халқлари мустақил сиёсат юргизишга ва тинчлик лагери тарафида туриб иш кўришга қат'ий қарор бердилар.

Бандунг конференциясининг натижалари тўғрисида Цейлон ва Судан бош министрларининг айтганлари

ЛОНДОН, 27 апрель. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг хабарида айтилишича, Цейлон бош министри Коталавала Бандунг конференциясининг якунларини шарҳлаб, бу конференция жуда катта воқиа бўлди, деб айтган.

Коталавала конференциянинг самимий вазиятда ўтганлигини та'кидлаб, бундай деган: «Бизнинг фикрларимизда ба'зибир тафовутлар бўлди, бироқ конференцияда ёнбериш ва манфаатлар умумийлиги руҳи тантана қилди.

Бизларнинг кўпчилигимиз, — деб сўзида давом қилган Коталавала, — гарчи Чжоу Энь-лайнинг сиёсий фикрларига қўшилмасак ҳам, биз у блан учрашдик. У ўзининг бошқаларнинг фикрига ҳурмат блан қаровчи киши эканлигини кўрсатди».

Сўнгра Коталавала айтганки, конференцияда бўлган келишим фақат шу райондаги мамлакатлар учунгина эмас, шу блан бирга, бутун дун'ё учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

«Конференция қатнашчиларининг ҳаммаси, — деган Коталавала, — барча мамлакатларнинг суверенитетини ва территориал бутунлигини ҳурматлаш, конфликтларни тинч йўл блан ҳал қилиш, эўравонлик ва бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш сиёсатидан воз кечиш зарур, деган фикрга келдилар. Фақат шу асосдагина тотув бўлиб яшаш мумкин».

Ироқ бош министрининг Лондондаги музокаралари

КАРАЧИ, 27 апрель. (ТАСС). «Доон» газетасининг Лондондаги мухбири берган хабарга қараганда, кеча Лондонда Ироқ бош министри Нури Саид блан ташқи ишлар министри Макмиллан ўртасида бўлган музокаралар вақтида Покистон блан Эронни Англия-Туркия-Ироқ ҳарбий иттифоқига қўшилишга таклиф этиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинган. Буерда фараз қилинишича, Покистон ва Эрон қўшилиши блан бу иттифоқ СЕАТО сингари ташкилотга айлантирилади ва бу ташкилотнинг кенгаши Бағдодда бўлади.

Миср, Сурия ва Саудия Арабистон ўртасида битим тузишга тайёргарлик

БАЙРУТ 27 апрель. (ТАСС). Сурия газеталарининг хабарига қараганда, Сурия ташқи ишлар министри Холид Азим Сурия бош министри Асалийга Бандунгдан хабар қилиб, Миср бош министри Носир ва Саудия Арабистони бош министри Амир Файсал Миср таклиф этган уч мамлакат битимини Сурия ҳукумати қилган ўзгартишлар ва қўшимчалар блан принцип жиҳатидан ма'қулладилар ва Бандунгдан қайтиб келганларидан кейин бу битимни имзолашга тайёрдирлар, деб билдирган.

Покистон — Афғонистон муносабатларига доир

НЬЮ-ЙОРК, 27 апрель. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Карачидан берган хабарида айтилишича, кеча Афғонистон ҳукумати Пешовурдаги Афғонистон консулхонасига 2 апрельда қилинган ҳужумга қарши яна норозилик билдирган. Афғонистоннинг Карачидаги элчиси Муҳаммад Рафиқ Покистон ташқи ишлар министрлигига бориб, расмий норозилик билдириб ёзилган мактубни топширган. Бу мактубда, покистонлилар намойиш вақтида Пешовурдаги консулхона биносидаги афғон байроғини олиб ташлаганликлари айтилган.

Покистон бу масала устида Афғонистоннинг биринчи марта билдирган норозилигини рад этган эди.

ГАРРИМАННИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 27 апрель. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабар беришича, Нью-Йорк штатининг губернатори демократ Гарриман давлат секретари Даллеснинг Хитой Халқ Республикаси блан музокаралар олиб бориш масаласида айтган гапларига баҳо бериб, бу нарса давлат департаментининг илгари нотўғри ҳаракат қилиб келганлигини э'тироф қилучи гапларидир, деган.

Гарриман Америка легиони томонидан кеча кечқурун берилган зиёфатда нутқ сўзлаб, Узоқ Шарқдаги ва айниқса Тайвань районидаги кескинликни юмшатиш тўғрисида музокаралар олиб бориш ҳақида Чжоу Энь-лай томонидан қилинган таклифга давлат департаменти берган биринчи жавобни «мас'улиятсизлик» блан бериган жавоб деб айтган. Даллеснинг, ҳозир АҚШ бевосита Хитой Халқ Республикаси блан музокаралар олиб боришга тайёр, деб айтган гапига тўхталиб, Гарриман «давлат секретари Даллес хатони бўйнига олганга ва рўй берган аҳволни тузатиш учун уринаётганга ўхшайди» деган.

Рэдфорд ва Робертсоннинг Чан Кай-ши блан музокаралари

НЬЮ-ЙОРК, 27 апрель. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг берган хабарида айтилишича, АҚШ штаб бошлиқлари бирлашган группасининг раиси адмирал Рэдфорд ва АҚШ давлат секретарининг Узоқ Шарқ ишлари бўйича ёрдамчиси Робертсон Тайваньга бориб, Чан Кай-ши блан ғоят махфий вазиятда музокаралар олиб борганлар, Турли доиралардан олинган ма'лумотларга қараганда, адмирал Рэдфорд ва Робертсон чанкайшичилар блан Тайвань бўғози районидаги аҳволни муҳокама қилганлар.

26 апрельда Робертсон Куэмой оролига бориб, чанкайшичиларнинг қўшинларини кўздан кечирган.

Бугун Робертсон ва Рэдфорд Қўшма Штатларга жўнаб кетганлар, улар ўзларига берилган «фавқулодда топшириқни» Тайваньда қандай бажарганликлари тўғрисида ҳисоб беришлари лозим.

АҚШда атом заводи ишчиларининг забастовкаси

НЬЮ-ЙОРК, 27 апрель. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг Альбукеркедан (Нью-Мексико штати) олиб берган хабарига қараганда, «Сандиа корпорейшн» компаниясига қарашли атом заводининг 2500 ишчиси кеча забастовка э'лон қилган. Забастовкачилар меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб қилмоқдалар.

Колумбия деҳқонларнинг ғалаёнлари

НЬЮ-ЙОРК, 26 апрель. (ТАСС). Матбуотда босилган хабарлардан ма'лум бўлишича, Колумбияда деҳқонларнинг кучли ғалаёнлари бўлмоқда. Колумбиядан олинган хабарларда ер ислоҳати ўтказишни талаб қилаётган деҳқонлар блан ҳукумат қўшинлари ўртасида тўқнашувлар бўлаётганлиги айтилади.

Нью-йоркда нашр этилаётган «Ла пренса» газетаси Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Боготадан (Колумбия) берган хабарини э'лон қилди. Хабарда айтилишича, Толима районида деҳқонларга қарши ҳаракат қилаётган ҳукумат қўшинларига авиация мадад бермоқда. Боготада нашр этилаётган «Ла республика» газетаси бу областдаги ҳарбий қисмларнинг қўмондони полковник Гомеснинг баёнотини келтирмоқда. Гомеснинг ўз баёнотида айтишича қараганда, деҳқонлар бирқанча қишлоқ хўжалик районларини контроль қилиб турмоқдалар.

ОММАВИЙ ҚУШИҚЛАРНИ ЎРГАНИНГИЗ!

ҒОЛИБЛАР МАРШИ

Акмал ПЎЛАТ шеъри. Т. СОДИҚОВ музикаси.



Ташаккур, қаҳрамон советлар халқи,
Сен блан яшнайди фаровон диёр.
Ташаккур партия, абадий болқи,
Байроғинг остида халқлар бахтиёр.

НАҚАРОТ

Коммунистик партия, пўлат партия,
Янги зафарларга бошлар партия.

Покиза қалблардан ҳайқириб учар
Эллар тинчлигини ёқлаган шиор.
Сафимиз урушнинг йўлини тўсар,
Жонажон партия бизнинг ифтихор.

НАҚАРОТ

Коммунистик партия, шонли партия
Янги зафарларга бошлар партия.

С П О Р Т

УЗБЕКИСТОН ХХ ШАХМАТ ЧЕМПИОНАТИ ТАМОМ БЎЛДИ

Тошкентда республика биринчилиги учун 22 кун давом этган ХХ шахмат чемпионати тамом бўлди. Мусобақада республиканинг энг кучли шахматчилари блан бирга конкурсдан ташқари РСФСР чемпиони мастер Шамкович ҳам иштирок этди.

Мусобақа якунида 15 имкониятдан 12 ютуққа эга бўлган мастер Шамкович биринчи ўринни олди. Тошкентли ёш шахматчи мастерликка кандидат А. Грушевский 11 ютуқ блан иккинчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон ССР чемпиони унвонини олди. Учинчи ва тўртинчи ўринларни 10 тадан ютуққа эга бўлган Бирбрагер ва Мухин бўлишиб олдилар. Шу блан бирга ҳар иккала ёш шахматчи ҳам мастерликка кандидат унвонини олишга муваффақ бўлди. Ҳозиргача Ўзбекистон ССР чемпиони бўлиб келган мастерликка кандидат М. Муҳиддинов 9 ярим ютуқ блан бешинчи ўринга тушиб қолди.

Мусобақа шартига кўра, дастлабки беш ўринни эгаллаган шахматчилар Ўрта Осиё зонаси биринчилиги учун ўтказиладиган мусобақада қатнашиш ҳуқуқини олдилар.

БОКСЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Шу йил 22 — 26 апрель кунлари М. Горький номидаги Маданият ва истироҳат паркининг ёзги театр биносида Тошкент шаҳар биринчилиги учун бокс мусобақалари бўлиб ўтди. Мусобақада «Наука», «Искра», «Локомотив», «Спартак», «Динамо» кўнгилли спорт жамиятлари, Тошкент Округ Офицерлар Уйи, В. И. Ленин номидаги Тошкент Ҳарбий билим юрти ҳамда Ўрта Осиё политехника институти спортчиларидан 100 дан ортиқ ёш боксчилар қатнашдилар.

Командалар ўртасида ўтказилган мусобақада 21 ютуққа эга бўлган «Спартак» жамиятининг (тренери ўртоқ Ю. Бухман) спортчилари биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақа якунида ўзларининг вазн категорияларига қараб, Маҳкамжонов, Носирхўжаев, Юдин, Дин («Спартак»), Шайдуллин («Локомотив»), Нажмиддинов, Усмонов, Цой («Наука») ва бошқалар энг яхши натижага эришдилар.

Шуниси характерлики, мусобақа иштирокчилари ва бунда ғолиб чиққанларнинг кўпчилигини маҳаллий ёш боксчилар ташкил қиладилар. Бу ҳол спортнинг ана шу жанговар тури тобора оммавий тус олаётганини кўрсатади.

Меҳнаткашларнинг 1955 йил 1 Майда Тошкент шаҳрида ўтказиладиган намойиши тўғрисида

Намойиш эрталаб соат 11 да бошланади.

Намойишда қатнашучи меҳнаткашлар корхоналар ва муассасалар бўйича ўз йиғилиш пунктларига тўпланадилар ҳамда белгиланган маршрутга мувофиқ колонналарга уюшган ҳолда Қизил майдонга йўл оладилар.

Махсус пропускалари бўлган кишилар Қизил майдонга соат 9. 45 минутгача қўйилади.

Махсус пропускалари бўлган автомашиналардан ташқари барча турдаги транспортларнинг ҳаракати соат 8да тўхтатилади ва улар намойиш тамом бўлгандан сўнг юрабошлайдилар.

Тартибни кузатиб туриш ва намойишчилар колонналарининг ҳаракатини уюштириш Тошкент шаҳар милиция бошқармасининг бошлиғи ўртоқ И. Каландаровга юклатилган.

Об-ҳаво ма'лумоти

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво бироз ўзгариб турса ҳам, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Температура 26—30 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/IV да **Қутлуғ қон**, 30/IV да **Юрак сирлари**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Беш'ёғочдаги янги бинода) — 29/IV да **Тоҳир ва Зуҳра** 30/IV да **Азиз ва Санам**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 3 бўлимда **цирк тамошалари**. РСФСРда хизмат кўрсатган артист **М .Н. Туганов** раҳбарлигида **«Донда» деган чавандозлик-спорт аттракционининг сўнгги кунлари.** Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

«РОДИНА», қишки НАВОИЙ номли, қишки «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» кинотеатрларида — янги бадиий фильм **Дашт қизи.**

«ИСКРА» (қишки) — кеч соат 9 дан **Азиз дўст.**

«ВАТАН», ёзги НАВОИЙ номли, ёзги «ИСКРА», «ХИВА», КИРОВ номли, ТЕЛЬМАН номли кинотеатрларда — **Дашт қизи.**

ПУШКИН номли — **Шиша қаҳрамонлари.**

«ЎРТОҚ» КОНДИТЕР ФАБРИКАСИГА
доимий ишлаш учун:
7 разрядли **слесарьлар, тунукасоз, ғишт теручилар, ёрдамчи ишчилар**
КЕРАК
Тошкент шаҳар, Виктор Малясов кўчаси, 51-нчи уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Тошкент шаҳри кўчаларида сигналсиз қатнашни жорий этиш тўғрисида

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

мажбурий фармойиши

1955 йил 26 апрель № 2 Тошкент шаҳри

Шаҳар шовқинини камайтириш мақсадида, Тошкент шаҳри Советининг ижроия комитети **қарор қилади:**

1. Тошкент шаҳри кўчаларида автотранспорт ҳайдовчиларининг қуйидаги ҳолларда овоз сигналларини беришлари **тақиқлансин:**

а) пассажирларни чақириш учун;

б) светофор сигналини ўзгартириш учун ёки кўча ҳаракатини тартиблаб туручи милиционернинг чорқўчадан қатнашни тақиқлаган вазиятини ўзгартириш учун;

в) олдинда тўхтаган машина ҳайдовчисидан йўл бериш мақсадида транспортнинг силжитилишини талаб қилиш учун;

г) кеч соат 10 дан эрталаб соат 8 гача;

д) овоз сигналининг берилишини тақиқлайдиган белги мавжуд бўлган тақдирда.

2. Овоз сигналини фақат қуйидаги ҳоллардагина бериш **рухсат қилинсин:**

а) бошқа машинага келиб урилиш ёки тўқнашиш ҳавфининг олдини олиш зарур бўлган тақдирда;

б) бошқа машинани қувиб ўтганда ёки кўз ўнги яхши кўринмаган қайрилишларга яқинлашганда.

3. Қоронғи тушгандан кейин, овоз сигналлари ўрнига фара чироғини ўзгартириш йўли блан сигнал берилсин.

4. Мотоцикларда глушительсиз юриш **қат'иян тақиқланади.**

5. Милиция ходимлари юқорида белгиланган қоидаларни бузган кишилардан жойнинг ўзида 3 сўмгача штраф оладилар. Штрафни жойнинг ўзида тўлашдан бош тортган тақдирда, бу штраф ОРУД (кўча қатновини тартиблаш бўлими) да ёки милиция бўлимларида уч баравар ошиқ миқдорда олинади.

6. Бу мажбурий фармойишни қўпол бузишда айбдор бўлган кишилар ма'мурий жавобгарликка тортилиб, 100 сўмгача штраф олинсин ёки улар бир ойгача муддат блан мажбурий ишга тортилсин.

7. Шу мажбурий фармойишнинг бажарилишини контроль қилиш Тошкент шаҳар милиция органларига юклансин.

8. Бу мажбурий фармойиш э'лон қилинган кундан бошлаб 15 кундан кейин кучга киради ва Тошкент шаҳри доирасида жорий этилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Х. ЮСУПОВА.
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари Б. ПАРФЕНОВ.

Чиғатой кўча, 2-нчи Чимбой, 22-нчи домкомда туручи Дилором **Юнусова-Аҳмедованинг** Ертешган кўча, 14-нчи уйда туручи Ҳасан Аҳмедовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

Тошкент область, Қорасув район, Қуйлиқ кўча, 119-б уйда туручи **Салим Шерматовнинг** Тошкент шаҳар, Эгарчи кўча, Топилди тупик, 4-нчи уйда туручи Вазира Алиевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Москва район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва san'at бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 04827. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1422.